

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг январь ойида Испания Қироллигига қилган расмий давлат ташрифи мустақил Ватанимиз тарихидаги ёрқин, халқимиз хотирасида муҳрланиб қоладиган ғоятда шарафли воқеалардан биридир. Табиийки, Ўзбекистон фуқаролари Юртбошимизнинг Испанияга ташрифини катта қизиқиш ва қалб ҳаяжонлари билан кузатиб турди. Бу ташрифнинг тафсилотлари республикамиз газеталарида кенг ёритилди, телевидение орқали кўрсатилди, радиода эшиттирилди. Испания ва умуман, жаҳон оммавий ахборот воситалари ҳам унга алоҳида диққат-эътибор кўрсатди.*

## Ўзбекистон — Испания:

# ТАРИХИЙ ТАШРИФ ТААССУРОТЛАРИ

Шундай бўлса-да, мен ушбу давлат ташрифи тўғрисида қалбимда жўш урган таассуротларимни, онгимда мавжланиб турган нурли ўй ва мулоҳазаларимни юртдошларимиз билан баҳам кўришни лозим, деб билдим. Бундай чиқишга мен ўзимни маънавий ҳақли, деб ҳисоблагим келади. Бунинг энг муҳим сабаби шуки, менга Президентимизнинг Испания қироли Хуан Карлос I нинг таклифига биноан Испания Қироллигига қилган расмий давлат ташрифида иштирок этиш бахти насиб этди. Мен бу улуғ воқеанинг гувоҳи ва иштирокчиларидан бўлдим.

Айни пайтда йўлбошчимизнинг давлат ташрифи кунларида Испаниянинг ва испан халқининг Президентимизга ва она Ватанимиз Ўзбекистонга юксак эҳтироми ва хайрихоҳлигини ўз кўзларим билан яққол кўриб, бошимдан кечирдим. Ташриф бўлиб ўтганидан сўнг ҳам анча вақт ўтди. Лекин ўша кунлар таассуроти ҳамон мени хаяжонга солади. Шу боис, бу тўғрида ҳикоя қилмаслик мумкин эмас, деб ўйлайман.

Яна бир кичик, аммо керакли изоҳ. Давлат ташрифи кунларида Ўзбекистоннинг бахтли инсонлари қаторида менга, бир тарихчи, қадимшунос мутахассис олим сифатида Юртбошимизга ҳамроҳлик қилиш насиб этди. Табиийки, ушбу улкан аҳамиятли ташрифни ҳам бир тарихшунос олим нигоҳи билан идрок этиб, ўз таассуротларимни қоғозга туширдим.

### Ҳамкорлигимизнинг қадимий илдизлари

Ватанимизнинг Испания билан ҳамкорлиқ муносабатлари қадимий илдизларга эга. Диққатга сазовор томони шундаки, икки давлатнинг тарихий муносабатларида бир-бирининг кўнглига ғубор соладиган бирон-бир воқеа-ҳодиса кўзга ташланмайди, аксинча, ўзаро қизиқиш, ўзаро бир-бирини қадрлаш, эҳтиром ва ўзаро бир-бирига яхшилик, эзгуликни соғиниш устунлик қилиб туради. Эҳтимол, ўзаро алоқалардаги ана шу ҳалоллик, ҳурмат-эҳтиром, бир-бирини эъзозлаш Испаниянинг Ўзбекистонга ва бизнинг Испанияга кейинги даврларда ҳам ўзаро катта ҳурмат ва эътиқод билан қарашларимизга замин яратган муҳим омиллардан биридир. Чунки халқимизда «Бир яхшилик унутилмайди, бир ёмонлик», деган нақл бор. Халқлар ўртасидаги ўзаро пок, хайрли муносабатлар ҳамиша ўз неъматларини берган ва бераверади.

Энди тарихий далилларга ўтайлик.

Маълумки, дунё илм-фанида «мусулмон маданияти» деган бир тушунча бор. VII-VIII асрларда исломлаштирилган давлатларда илм-фан, ижод ва маданиятда араб тили ҳукмрон бўлган. Жумладан, Мовароуннаҳр заминида вояга етган Форобий, Хоразмий, Фарғоний, Ибн Сино, Беруний, Аз-Замахшарий, Улуғбек каби буюк олимлар ҳам ўз илмий фаолиятини араб тилида ва араб имлоларида олиб борганлар. Уларнинг оламшумул илмий-амалий мероси мусулмон маданиятининг дурдона саҳифаларини ташкил этади. Бизнинг номи юқорида санаб ўтилган алломаларимизнинг илмий таълимоти ҳам Испанияга кириб борган ва жуда қадрланган. Испанияда шаклланган «Таржимонлар мактаби» орқали нафақат юнон-араб фанидан, балки Мовароуннаҳр олимларининг асарларидан ҳам бутун Овруп баҳраманд бўлган. Оврупода Хоразмий—Алгоритм, Ибн Сино — Авиценна деб ном олибгина қолмай, уларнинг илмий таълимоти бутун-бутун фанларнинг ривожланишига асос бўлди, асарлари университетларда бир неча асрлар давомида дарсликлар вазифасини ўтади. Хуллас, дунёга эзгулик уруғини сочувчи бундай алломаларни берган халқ ва замин ҳам оламшумул эътирофга ҳамда қизиқишга муносибдир.

Мустақилликка эришганимиздан кейин Овруп бизни янада яқиндан таний бошлади. Аста-секин юқоридагидай алломалар ҳам шу халқ ва шу замин фарзанди эканлигини англаб етаяптилар. Бундай англаш эса бизга бўлган ҳурмат-эътиборни ҳам кучайтирмоқда.

Ўзбекистон—Испания тарихий алоқаларида, айниқса, Соҳибқирон Амир Темур даври ва бобокалонимизнинг қудратли ўзгартирувчан фаолияти бебаҳо ўрин тутади.

Маълумки, Амир Темур даврида Испания ва умуман, Овруп Усмонли турк империяси хуружларидан таҳликага тушиб қолган эди. Соҳибқирон бобомиз тарих саҳнасига чиқиб, аввал она заминини мўғуллар зулмидан, кейин Россия ва Шарқий Овруни Олтин Ўрда таҳдидан, Овруни эса Усмонли турк империясига тобеликдан холос этди. Худди ана шундай оламшумул воқеалардан кейин Овруп Амир Темурга ва унинг салтанатига катта эҳтиром билан қарай бошлади. Жумладан, Кастилия қироли Энрико III 1402 йилда ўзининг биринчи элчиларини — Пайо де Сотомайор ва Эрнан Санчес Паласуелосни Амир Темур ҳузурига жўнатди. Соҳибқирон, ўз навбатида, Испания элчиларига ўз элчиси Муҳаммад ал-Қозийни қўшиб, Энрико III ҳузурига йўллади. Шу тариқа, буюк бобомиз Ватанимиз билан Оврупони боғлайдиган биринчи элчилик кўпригига асос солди.

Маълумки, Амир Темур даврида Перинеи ярим ороли (Испания) бир неча графлик ва қиролликларга бўлиниб кетган эди. Уларнинг ичида қудратлиси Кастилия эди ва кейинроқ бутун Испания шу қироллик атрофида бирлашди. Бу бирлашувда Кастилиянинг Амир Темур салтанати билан ўрнатган фаол элчилик муносабатлари хайрли омил бўлган бўлса, ажаб эмас.

1402 йилда Овруп усмонли турклар таҳдидидан қутулгач, Энрико III зудлик билан Амир Темур ҳузурига иккинчи элчилар гуруҳини сафарбар этади. 13 кишидан иборат бу гуруҳга қиролнинг шахсий қўриқчиси Руи Гонсалее де Клавихо бошчилик қилди. 1403 йилнинг 21 май куни Жанубий Испаниянинг Кадис шаҳри бандаргоҳидан йўлга чиққан элчилар, орадан 15 ой ўтиб, 1404 йил 8 сентябрда Самарқандга етиб келдилар ва шу куннинг ўзидаёқ Соҳибқирон томонидан қабул қилинди. Кейинчалик Де Клавихо Испанияга қайтиб боргач, ўз кундалигини ҳисобот тарзида қирол Энрико III га тақдим этган. Бу кундалик 1582 йилда Севилья шаҳрида «Ҳистория дел Гран Таморлан» («Буюк Амир Темур тарихи») номи билан нашр эттирилган. Китобда Амир Темур давлатида юритилаётган сиёсат, минтақамиздаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари, маданияти ва илм-фанда, меъморчиликда эришган ютуқлари анча батафсил баён қилинган. Шу боисдан, қомусий, тарихий мазмунли бу асар тез орада Овруда машҳур бўлиб кетди ва бир неча бор қайта нашр эттирилди. Ушбу китоб ўзбек халқи учун ҳам нодир тарихий манба ҳисобланади. Чунки Клавихо «Кундаликлари»да миллий тарихимизнинг муҳим бир даври ҳаққоний акс этган.

Шу ўринда яна баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтиш ўринли бўлади. Маълумки, деярли бир ярим аср мобайнида — чор Россияси ва қизил салтанат мустабидлигида яшаган Ўзбекистонда Амир Темур шахсияти бадном этиб келинди. Лекин бу маломатларда ҳақиқатдан кўра туҳмат, бирёқламалик, ғайирлик кучли. Амир Темур Усмонли турк салтанати устидан зафар қозонгач, ундан нарига, Овруп томонга бир қадам ҳам қўймади. Аксинча, Овруп давлатлари Амир Темур ҳузурига элчиларини жўнатиб, унинг салтанати билан ҳамкорлик қилишга хоҳиш-ирода кўрсата бошладилар. Соҳибқирон Оврупонинг элчилар воситасида узатган дўстона қўлларини қадрлади, уларга илтифотлар кўрсатди. Ўз элчиларини Оврупога жўнатди. Мана шу дўстлик, ҳамкорликни ўз салтанатининг обрў-мартабаси учун етарли, деб ҳисоблади. Бу — сиёсий донишмандлик эди. Овруп Амир Темурни ўз халоскори деб эътироф этди. Унга беҳад катта эҳтиромлар билан қаради. Овруп халқлари ўртасида Амир Темур Аллоҳ томонидан ёвуз подшоларни жазолаш учун жўнатилган, деган афсонавий-романтик тасаввурлар ҳам пайдо бўлди. Худди шу тасаввур адабиёт ва санъат асарларида ўз ифодасини топди. Унга олтиндан ҳайкаллар қўйилди. Дунёда камдан-кам ҳукмдор инсониятда бундай илиқ, ижобий таассурот қолдирган. Мана, 6 асрки, Овруп Амир Темурга ана шундай сўнмас эҳтиром билан қараб келмоқда.

Президент Ислом Каримов тарихчи олимларимиз билан суҳбатда миллий тарихимиз моҳияти, асосий фалсафаси бунёдкорлик эканлигини таъкидлаган эдилар. Амир Темур сиёсати ва тарихий фаолияти ана шу бунёдкорликнинг ноёб далилидир. Соҳибқирон дунёда адолатни бунёд этди, юртини мўғуллар истибдодидан, Оврупони Тўхтамиш ва Боязид таҳдидларидан халос этди. Бу вайронагарлик эмас, бунёдкорликдир. Шу боисдан Амир Темур барҳаёт обрў-мартабага эга. Жумладан, Испания қироллиги билан Амир Темур салтанатининг тарихий алоқалари бу икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг фахрли саҳифалари бўлиб қолаверади.

Президентимизнинг Испанияга расмий давлат ташрифи, тарихан қараганда, алоҳида бир эзгу маъноларни киши қалбига ҳадя этади. Амир Темур ва Энрико III ўртасидаги дипломатик муносабатлардан



сўнг, орадан роппа-роса 600 йил ўтиб, Ислом Каримов ва Хуан Карлос Биринчи ўрталарида дипломатик ва дўстона муносабатларнинг ўрнатилиши испанларнинг Амир Темур ватанига тарихий эҳтиромини яна бир бор намоён этибгина қолмай, бу эҳтиромни янги, юксак босқичларга кўтариш истак ва мақсадларидан ҳам далолатдир.

Тарихнинг олтин лаҳзалари янги куч, янги мазмун билан такрорланишига бизнинг буюк имкониятимиз ва бахтимиз — Ўзбекистон истиқлоли бебаҳо шароит яратди. Биз бугун Амир Темур даврида бошланган, аммо ундан кейин тахт талашган шаҳзодалар даврида сўнган, мустабидлик замонларида эса тамомила унутилган Овруп билан, жумладан, Испаниядай гўзал ва тарихий шон-шуҳратли давлат билан алоқаларни қайта тиклаб унга умрбоқийлик бағишлайдиган бир замонга эришдик.

Президентимизнинг Испаниядай қудратли ва нуфузли давлатга расмий давлат ташрифи Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътибори янги чўққиларга эришаётганига кучли бир далилдир.

### Мадриднинг олтин калити

Соҳибқирон Амир Темур Испания билан бундан 6 аср аввал элчилар даражасида сиёсий-дипломатик алоқа ўрнатиб, ҳамкорликнинг олтин кўпригини бунёд этган эди. Аммо бу кўприк кейинги асрларда турли тарихий-сиёсий сабабларга кўра унутилди. Айниқса, деярли бир ярим асрга чўзилган мустабидлик даврида ихтиёримиз ўзимизда бўлмаганлиги сабабли, Ўзбекистон кўздан, эътибордан яшириб келинди.

Мустақиллик Амир Темур даврида асос солинган Испания билан дўстлик ва ҳамкорликнинг олтин кўпригини забунликдан олиб чиқди. Уни яна жилолантирди. Масалан, Испания Ўзбекистон мустақиллигини Оврупода биринчилардан бўлиб тан олди. 1992 йилда мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

1996 йилнинг июнь ойида Президент Ислом Каримовнинг Флоренцияда Овруп Иттифоқи саммити доирасида Испания ҳукумати раиси Х.М. Аснар билан учрашуви давлатларимиз ўртасида муносабатни қайтадан ривожлантирган омил бўлди. 1999 йилнинг май ойида Испания Ташқи ишлар вазирлигининг ташқи сиёсат ва Овруп Иттифоқи масалалари бўйича давлат котиби Р. де Мигель бошчилигидаги делегация Ўзбекистонга ташриф этди.

2001 йилнинг март ойида ташқи ишлар вазиримиз А.Комилов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Мадридга жавоб ташрифи билан борди. Сафар пайтида давлатларимиз ўртасида маданият ва таълим соҳасида ҳамкорлик битимлари имзоланди. Ўтган йиллар мобайнида икки мамлакат ўртасида савдо, бизнес, тадбиркорлик соҳаларида ҳамкорликлар, борди-келдилар йўлга қўйилди. Испанияда ўтказиладиган турли-туман фестиваллар, халқаро мусиқа танловларида ўзбекистонлик санъаткорлар, халқ истеъдодлари фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Испания қироли Хуан Карлос Биринчининг таклифига биноан шу йилнинг 27-29 январь кунларида Испанияга қилган расмий давлат ташрифи эса икки давлат ўртасидаги сиёсий-дипломатик алоқаларни янги, юксак босқичга олиб чиқди.

Мамлакатимиз раҳбари Испанияда жуда катта тантаналар билан кутиб олинди. Ташрифнинг дастлабки кунида Юртбошимизнинг Испания қироли билан «Сарсуэла» саройидаги учрашуви пайтида ҳамда шу куни оқшом олий мартабали меҳмон шарафига Испания қироли уюштирган қабул маросимида давлатимиз раҳбарига бениҳоят юксак иззат-эҳтиромлар кўрсатилди. Шу мулоқотлар пайтида Ислом Каримовнинг ташрифи икки мамлакат алоқаларини ривожлантиришда туб бурилишни бошлаб берувчи воқеа бўлганлиги Испаниянинг энг олий мартабали раҳбарлари томонидан бир неча бор таъкидланди.

Президентимизнинг мамлакатимизда, жумладан, парламентни такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар тўғрисида Испания Сенатидаги маърузаси ҳам парламент томонидан катта қизиқиш билан тингланди. Испания парламенти намояндалари фақат Ўзбекистондаги янгиликларни эшитибгина қолмади, балки халқаро миқёсда обрў-эътибори тобора ошиб бораётган давлатимиз раҳбарининг юксак маънодаги давлат ва сиёсат арбоби эканлигига яна бир бор ўзлари ишонч ҳосил қилдилар. Йўлбошчимиз Сенат кутубхонасининг «Олтин китоби»га дастхат битди. Унга Сенат ва Депутатлар Қонгрессининг медали тақдим этилди.

Сенат кутубхонасида яна бир воқеа юз берди. Президентимиз ноёб китоблар билан танишар эканлар, 12 жилдлик «Дунё географик атласи»нинг «Осиё» жилдига барчамизнинг диққатимизни қаратдилар. Тарихимиз учун зарур бўлган «Атлас»нинг нусхасини Ўзбекистонга олиб бориш тўғрисида сўз юритилди. Кутубхона раҳбари Розарио Хареро Гутиера «Атлас» нусхасини бажонидил Ўзбекистонга жўнатиш учун ваъда берди.

Испания — ривожланган иқтисодиёт ўлкаси. Фақат бу мамлакатдаги йиллик ялпи ички маҳсулот ҳажминнинг ўзи 600-700 миллиард АҚШ долларига тўғри келади. Испания сармояси мамлакатимиз иқтисодиётига имкон қадар кўпроқ жалб қилинса, бунинг самараси бошқача бўлади. Ҳозирча республикамизда Испания тадбиркорлари иштирокида атиги 6 та қўшма корхона ишлаб турибди, уларни кўпайтириш мумкин, ўзаро савдо-сотиқни ҳам янада ривожлантириш имкониятлари бор.

Шу маънода, ташриф кунларида Юртбошимиз ҳамда Испания ҳукумати раиси Хосе Мария Аснар раҳбарлигида икки мамлакат делегацияларининг учрашуви алоҳида аҳамиятлидир. Бу учрашув чоғида, жумладан, ҳар икки мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар кўриб чиқилди. Бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Президентимиз Испаниянинг йирик банкларидан бири «Банко Билбао Веская Аргентария» («БВВА») раҳбарларини ҳам қабул қилиб, уларга Ўзбекистонда банк-молия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида сўзлаб берди. Шак-шубҳасиз, бу суҳбат «БВВА» раҳбарларида катта таассурот қолдирди, уларнинг кўнглида Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтириш ниятларини уйғотди.

Испания тадбиркорлари ва саноатчилар конференциясида ҳам мамлакатимиз раҳбари билан учрашувга жуда катта жамоатчилик тўпланди. Ислом Каримовнинг Ўзбекистонда тадбиркорликни хорижий сармоялар иштирокида ривожлантириш имкониятлари, республикамизда чет эл инвестицияси учун яратилаётган қулайликлар, хорижий сармоянинг дахлсизлиги ва ривожи давлат миқёсида кафолатланиши тўғрисидаги қимматли фикрлари, учрашув иштирокчилари билан савол-жавоблари Испания бизнесменларида чуқур таассурот қолдирди.

Испания — дунёдаги йирик туризм мамлакати ҳамдир. Мамлакат сайёҳлик соҳасидан йилига 34 миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад кўради. Бу, табиийки, жуда катта даромад. Бунинг устига, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЖСТ) қароргоҳи Мадрид шаҳрида жойлашган. Модомики, шундай экан, Ўзбекистон ҳам сайёҳликни ривожлантириш борасида Испания билан, жумладан, ЖСТ билан яқиндан ҳамкорлик қилиши мумкин. Ахир дунёда катта қизиқиш уйғотиб келаётган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз каби шаҳарларимиз, оламшумул аҳамиятли тарихий ёдгорликларимиз, республикамизнинг гўзал, серманзара шаҳарлари, масканлари бор. Сўнгги йилларда республикамизда ажойиб меҳмонхоналар бунёд этилди. Улар — бизнинг имкониятларимиз.

Президентимизнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби жаноб Франческо Франжиали билан учрашувида айнан шу масалалар муҳокама қилинди. Бу халқаро ташкилот билан ҳамкорликни ривожлантириш борасида келишиб олинди.

Ташриф кунларида Испаниянинг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши ниҳоятда ортиб кетганлигининг гувоҳи бўлдик. Тўғриси, мана шу ташриф кунларида Испания Ўзбекистонни ўзига янгидан кашф қилди, десак тўғри бўлади. Қаерда бўлмайлик, ким билан учрашмайлик, биздан Ўзбекистон тўғрисида, Президентимиз тўғрисида қизиқиб сўрашди. Мадрид шаҳридаги «Миллий археология музейи»га борганимизда профессор Мигель Альваро Борда испанияликларнинг Ўзбекистон маданияти тарихига қизиқиши ниҳоятда ортиб бораётганлиги тўғрисида сўзлади. Шу муносабат билан, биргаликда Ўзбекистон тарихини акс эттирувчи бир кўргазма ташкил қилсак, ажойиб иш бўларди, деб таклиф этиб қолди. Биз бундай кўргазмани ҳамкорликда уюштиришни келишиб олдик. Кўргазма 2004 йилда Мадридда намойиш этиладиган бўлди.

Испанияда мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларга ҳам катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Бунда халқаро ҳамкорлик ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Шу боисдан, Президентимизнинг Испанияга ташрифи доирасида Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Испаниянинг машҳур Алкала де Энарес университети ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланганлиги алоҳида диққатга сазовордир.

Мен, бир тарихчи сифатида Президентимизнинг Мадриддаги чиқишларини бутун вужудим билан кузатиб бордим ва Юртбошимиз ўзи билан Испанияга Соҳибқирон Амир Темур донишмандлигини олиб келганлигига гувоҳ бўлдим.

Қаерда бўлмайлик, Ислом Каримов чиқишлари бундан 600 йил муқаддам бўлган элчилик тарихига, тарих эса ҳозирги кундаги Ўзбекистон—Испания муносабатларига уйғунлашиб кетди. Ушбу руҳий уйғунликни Испания қироли Хуан Карлос Биринчи, ҳукумат раиси Хосе Мария Аснар, Мадрид шаҳри мэри Хосе Мария Альварес дель Манзано ўз сўзларида таъкидладилар ва Ўзбекистон—Испания муносабатларининг янги даврдаги ривожланишида Президентимизнинг буюк хизматлари эътирофи сифатида унга Испаниянинг олий мукофотлари ҳам топширилди. Жумладан, Ислом Каримовга Мадрид шаҳрининг рамзий «Олтин калит»и тақдим этилди. Мен бу тўғрида алоҳида тўхталиб ўтишни зарур, деб биламан. Назаримда, бу мукофот чуқур рамзий маънога эга. Бу олтин калит Президентимизнинг икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашдаги улуғ хизматларининг юксак бир эътирофи, Ўзбекистон ва ўзбекистонликлар учун Испания бағри ҳамиша очиқ эканлигининг тимсоли. Олтин калит Испаниянинг Ўзбекистон билан дўстлик, фаол ҳамкорликка хоҳиш-иродасининг қатъийлигидан ёрқин далолатдир.

**Темур ШИРИНОВ,**
**Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти директори, тарих фанлари доктори, профессор.**

---

Фармон ва ижро

# Тўлапбойнинг теран томири

*Тўлапбой Довулбоев таниқли киши эмас. Лекин бу фидойи, азамат, оққўнгил инсон истиқомат қиладиган мавзени жаҳоннинг энг етакчи археологлари ҳам бир кўришни орзу қилсалар керак. Чунки Марказий Осиёнинг энг қадимий расадхоналаридан деб тан олинаётган Қўйқирилганқалъа, неолит давридаёқ боболаримиз, момоларимиз яшаган Ёнбош макони, архаик ва антик даврларга оид ўнлаб катта-кичик қалъа ҳамда қўрғонлар айнан шу ерда жойлашган. Тўлапбой яшаб келаётган "Кўкча" қишлоғи ёнидан эса энг қадимги даврларга доир қабристон аниқланиб, археологлар томонидан ўрганиб чиқилди.*

Хулласи калом, Тўрткўл шаҳридан 70 километр олисдаги бу мавзенинг ҳар қаричида тарих муҳрланган. Аксарият қадимшунослар ушбу мавзени антик Хоразмнинг олтин бешиги деб атайдилар. Бир гуруҳ олимлар Бургутқалъа воҳасида хоразмий боболаримиз қабила сифатида шаклланган деб хулоса чиқарсалар, иккинчи гуруҳ улуғ момомиз Тўмарис қўшинлари айнан шу жойда Кир билан рўбарў келган, саклар ҳам, массагетлар ҳам Сувёрган, Тозабоғён, Калтаминор, Гулдурсун, Тешхирмонни ватан тутган деб ҳисоблайдилар.

— Мен олим ё археолог эмасману бизнинг бу ерларга томиримиз теран кириб кетган, — дейди Тўлапбой Довулбоев. — Энг моҳир боғбонлар саъй-ҳаракати билан бир боғда неча турли дарахт гуллаб-яшнайди. Бизнинг "Кўкча" қишлоғимизда ҳам бир неча миллат вакиллари бир ота-онанинг болаларидек аҳил яшаб келаяпмиз. Ҳар биримиз Обод маҳалла йилида қишлоғимизни, кўчамизни, уйимизни обод қилишга ўз улушимизни қўшаяпмиз!

Ҳар бир инсон ўз ҳаёти солномасига эгадир. Шартли равишда Тўлапбой ҳаётининг солномаси 2002 йилнинг 24 декабригача ва ундан кейинги даврга бўлинади. У кўп йиллардан буён ҳамқишлоқлари қатори ҳалол меҳнат билан оиласини ардоқлаб келмоқда. Деҳқончиликка қўл урса, ҳеч кимдан кам ҳосил олмайди. Бир оз тадбиркорлик билан шуғулланиб, ижарага автобус олди. Халқ хизматини қилиб озми, кўпми даромад орттирди.

2002 йил 24 октябрь куни Т.Довулбоевнинг дилига "чўғ" тушди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу куни эълон қилинган "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони оддий фуқаронинг ҳаётида янги мазмун бахш этди. Пайшанба куни эди ўша кун. Уч кун Тўлапбой ўзича нималарнидир чамалаб, чизғилаб, хомчўт қилиб юрди. Якшанба куни эса уйидаги чорвасидан бир бошини бозорга олиб чиқди. Уйда топиш-тутиш яхши бўлгани учун оила аъзолари рўзғор эгасидан бу хатти-ҳаракатнинг боисини сўрашмади. "Автобусга бирор эҳтиёт қисм керак бўлгандир", деган хаёлга боришди.

Тўлапбой эса қишлоқдаги қаровсиз қолган бинони таъмирлашга киришди. Унга қорамолнинг пулидан бошқа маблағлар ҳам топди. Қишлоқдагилар ҳам қараб туришгани йўқ. Шу йўсинда Тўрткўл туманининг Йўлдош Курбонов номидаги фермер хўжаликлари уюшмасида, қўриқ жамоада Болалар спорти маскани вужудга келди. Албатта, "Кўкча"даги бу мўъжаз маскан юз нафарга яқин болалар учун ҳақиқий "иккинчи уй"га айланди. Дастлаб бу ерда маҳоратнинг чўққиларига чиқиш насиб этсин деб, "Кўкчатов" футбол командасини тузишган эди. Команда туманда биринчи ўринга чиқиб олди. Кейин миллий кураш гуруҳи тузилди. Аста-секин бокс, каратэ секциялари ҳам оёққа турди. Қум барханлари орасидаги овулга ўзгача файз, ўзгача руҳ кириб келди. Болалардан ўрнак олиб катталар ҳам спорт билан шуғуллана бошлашди. Оғир атлетикага эътибор кучайди.

— Юртбошимизнинг болалар спортини ривожлантиришга бағишлаб Оқсаройда ўтказган мажлисини ойнаижаҳон орқали берилиб тингладим, — дейди Т. Довулбоев. — Кейинги анжумандан сўнг қишлоғимизда енгил атлетикани ривожлантириш истиқболларини белгилаб олдик. Кимдир мени ном чиқариш учун елиб-югуриб, ўз маблағини сарфлаб юрибди, деб ўйлаши мумкин. Аслида бу ўзимнинг болаларимга, қўни-қўшни, қариндош-уруғларнинг болаларига, бутун қишлоққа, қолаверса, бутун мамлакатга керак!

— Тўлапбойга ўхшаган ташаббускор фидойиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз! — дейди Тўрткўл тумани ҳокими Аҳмад Ибрагимов. — Зеро, у ўзи эмас, келажак авлод учун жон куйдирмоқда!

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

---

Қарор ва ижро



# «Жиззахпластмасса»: плёнка таъминотида муаммо йўқ

Республика Вазирлар Маҳкамаси шу йил 24 январда «2003 йилда ғўзани плёнка остида ўстириш масалалари тўғрисида» қарор қабул қилди. Ушбу қарор талабларининг беками-кўст бажарилиши, энг аввало, чигит экишда қўлланиладиган плёнкани зарур миқдорда ишлаб чиқариб, уни деҳқонларга ўз вақтида етказиб беришга боғлиқ.

Ушбу ҳужжатда таъкидланганидек, тегишли пахтачилик хўжаликларини полиэтилен плёнкаси билан тўла таъминлаш учун жами 18 минг 240 тонна маҳсулот зарур. Унинг 9771 тоннасини «Жиззахпластмасса» очиқ акциядорлик жамияти тайёрлаб бериши лозим.

— Корхонамизда кейинги ойларда кунига 250 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилди, — дейди жамият раиси Ходи Пўлатов биз билан суҳбатда. — Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли 9000 тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Кўриниб турибдики, плёнка таъминотида муаммо бўлмайди. Эндиги вазифа эса плёнка остига чигит экишни ўз вақтида уддалашдан иборат.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Долзарб мавзу

*Бугунги кунда бозор пештахталари ва тижорат дўконларини айлансангиз, бири-биридан чиройли, ранг-баранг маҳсулотларга кўзингиз тушади. Агар уларни синчиклаб кузатсангиз, бу халқ истеъмоли молларининг аксарияти республикамиз корхоналарида ишлаб чиқарилганига амин бўласиз.*

# КОРХОНАНИНГ БОЗОРДА ДЎКОНИ БОРМИ?

**У ишлаб чиқаришни ривожлантириш, рақобатни кучайтиришга хизмат қилади. Бироқ Навоий вилоятида бундай имкониятдан етарлича фойдаланилмаяпти**

Яқинда Навоий шаҳридаги марказий бозор ярмаркасидан костюм-шим харид қилмоқчи бўлдик. Пештахталарда эса уларнинг хоҳлаган турини учратиш мумкин. Ҳамроҳимиз сотувчига хорижникидан топиб беринг, деб туриб олди. Сотувчи ҳам анойилардан эмас экан. «Агар матонинг сифати, тикилишини яхши тушунсангиз, марҳамат, истаганингизни олаверинг», дея у бир нечта костюм-шимни олдимизга тахлаб қўйди. Танлаганимиз ҳамроҳимизга мос тушди. Нархи ҳам дуруст. Ҳамроҳим маҳсулотни хорижники деб ўйлаган шекилли, унинг астаридаги: «Made in Uzbekistan, «Mashal» сўзларига кўзи тушгач, сотувчига тикилиб қолди. Буни илғаган сотувчи шундай деди:

— Баъзи одамларнинг табиати қизиқ-да. Маҳсулотнинг сифати, пухта-пишиқлигига эмас, фақат ташқи кўринишига қарайди. «Импортний»си керак, дея оёқ тираб олади. Танлаётганларингиз орасида четдан келтирилгани ҳам бор эди. Аммо сизларга ўзимизда ишлаб чиқарилгани маъқул тушди. Кўриб турганингиздек, харидоргир маҳсулот ҳеч қачон туриб қолмайди.

Сал нарида спорт буюмлари савдоси чаққон. Сотувчи Гулноз Умарованинг қўли-қўлига тегмайди. Суриштирув асносида ана шу товарлар ҳам ўзимизда ишлаб чиқарилганлигини билиб олдик, Бошқа расталарни ҳам айланиб молларнинг аксарияти маҳаллий маҳсулотлар эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Тўғри, пештахталарда четдан келтирилган буюмлар ҳам сероб. Аммо кузатувларимиздан ўз истеъмол молларимиз савдоси анча тезлашганини дилдан ҳис этдик.

— Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, ички бозорларни ўзимизда ишлаб чиқарилган харидоргир моллар билан тўлдириш мақсадида бошланган ҳаракат ўз самарасини бера бошлади, — деди бозор қўмитаси раиси Азамат Қурбонов. — Тўғри, тадбиркорларимиз сони қарийб ярмига қисқарди. Бироқ усти ялтироқ, ичи қалтироқ маҳсулотларга ўрин қолмади. Уларнинг ўрнини республикамизнинг қатор вилоятларида ишлаб чиқарилган харидоргир моллар билан тўлдираяпмиз. Аммо бозорни янада сероб қилиш имкониятлари кўп. Вилоятимиздаги ўнга яқин саноат корхоналарининг маҳсулотлари чет элларда ҳам маълум. Шунга қарамасдан, кўпгина корхона раҳбарлари бозор атрофида дўкон очиш, маҳсулотларини айнан гавжум жойларда кўз-кўз қилишга ошиқмаяптилар.

Бозорқўм ҳақ. Маълумотларга қараганда, «Электркимё», нон заводлари, «Сардоба парранда», «Балиқчилик» ҳиссадорлик жамиятларигина бозорга ўз маҳсулотларини пешма-пеш чиқараяпти. Статистика бошқармасининг ҳисоботида ўтган йили вилоятдаги корхоналарда қарийб 36 миллиард сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилганлиги қайд этилган. Биргина «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида 7 миллиард сўмликдан кўпроқ, «Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамиятида салкам 3 миллиард сўмлик шундай бозорбоп маҳсулотлар тайёрланган.

Зарафшондаги «Зариспарк» қўшма корхонасининг тилла тақинчоқлари, совғабоп тилла буюмлари дунёнинг ўнлаб давлатларига экспорт қилинмоқда. «Агама» тикув корхонасида бултур 510 миллион сўмлик кийим-кечаклар тикилгани маълум. Маҳсулотлар сифати, пишиқ-пухталиги билан хорижда ҳам тан олинганлиги сир эмас. Хўш, ана шу арзон, ноёб маҳсулотлар нега бозорларда кўринмайди? Корхона раҳбарларига ўз савдо дўконларини очишга, ички бозоримизни сифатли маҳсулотлар билан таъминлашга нима халақит бераяпти? Ўнлаб иқтисодий салоҳиятли, маҳсулотлари кўпчиликка манзур бўлган фирмаларнинг соҳиблари нега жим? Хатирчи туманидаги «Ҳунарманд» кичик корхонасида тайёрланаётган трикотаж буюмлари хусусий тадбиркорлар томонидан сотиб олиниб, устама нархда бозорга чиқарилаётганига нима дейсиз? Бу ерда Италиядан келтирилган асбоб-ускуналар ёрдамида ҳар ойда 3 минг донадан кўпроқ болалар ва катталарбоп ички-устки кийимлар тикилаяпти. Агар улар тўғридан-тўғри бозорларга чиқарилса, бир зумда қўлма-қўл бўлиб кетиши шубҳасиз. «Хадича», «Зилола», «Тизол-Н», «Мафтуна», «Темур», «Оқжар» каби ўнлаб фирмалар фаолияти ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин.

Бунинг устига, Нурота, Учқудуқ, Томди, Конимех туманларидаги кичик корхоналар маҳсулотларига ҳам эҳтиёж катта. Маҳаллий хомашёдан тикилаётган дублёнка, шуба, палто, жакет, бош ва оёқ кийимлар бозорларда ўз харидорини топади, дейишга асос бор.

— Дастлаб ишни нутрия боқишдан бошлаган эдик, — дейди навбаҳорлик тадбиркор Олтин Жумаев. — Унинг мўйна ва терисидан телпак, кубанка тикиб тайёрлаш йўлга қўйилди. Илғор технология асосида тери хомашёсини қайта ишлаб, маҳсулот турини кўпайтирдик. Уларнинг сифати яхшилиги, нархи арзонлиги боис савдомиз юришиб кетди. Бозордан муҳим ўрин топдик.

Маълумки, Президентимизнинг шу йил 9 февралдаги Фармонига кўра, улгуржи савдони ривожлантириш, ишлаб чиқариш корхоналари билан савдо ташкилотлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида улгуржи савдо корхоналари қўшимча қиймат солиғидан озод этилди. Вилоятдаги улгуржи савдо ташкилотлари бу имтиёздан етарлича фойдаланмаётганлиги сезилиб турибди.

Вилоят ҳокимлигининг масъул ходими Улуғбек Жабборовнинг айтишича, яқин орада Қизилтепа туманидаги «Саёҳат» савдо марказида «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик компаниясининг маҳсулотлари намойиш этилади. Навоий ва Зарафшон шаҳарларида ҳам шундай Савдо уйлари очилиши мўлжалланган. Бундай тадбирлар бозорлар мавқеига ўз таъсирини ўтказиши турган гап. Демак, вазирлик, концерн, уюшмаларга қарашли корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жамланган савдо дўконларини кўпайтиришнинг нафи катта. Муҳими, улар бозорларда ўзимизда тайёрланган маҳсулотлар ҳукмронлигини таъминлашга ёрдамлашади.

Бир сўз билан айтганда, вилоят бозорларида рақобат муҳитини вужудга келтиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. У ишлаб чиқариш салмоғи, сифатини ошириш билан бирга, талаб ва эҳтиёжни қондиришга хизмат қилади.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ёднома

*Ўзбекистонда XX асрда етишиб чиққан илм-фан намояндалари орасида атоқли кимёгар олим ва жамоат арбоби Абдулла Султонов ўзига хос, фахрли ўрин тутади. У республикамизда кимё фанини илмий-назарий жиҳатдан ривожлантиришда ва ушбу фан ютуқларини Ватанимизнинг халқ хўжалиги амалиётига тадбиқ этишда унутилмас катта хизматлар қилди.*

# Менделеев назариясини ривожлантирди

Абдулла Султонов Тошкент шаҳрида, ҳунарманд оиласида дунёга келди. Болалик чоғларидан илм-фанга, айниқса, кимё фани соҳасига алоҳида қизиқувчанлиги билан ажралиб турди. Бу қизиқиш туфайли у 1935 йилда Ўрта Осиё Давлат университетининг кимё факультетини имтиёзли диплом билан битириб чиқди. Ўз фаолиятини кимёвий катализ соҳасидаги илмий изланишларга бағишлади. Катализ катализатор моддалар таъсирида содир этилади. Яъни шундай моддалар борки, улар катализ жараёнини вужудга келтиради — кимёвий реакцияни ё тезлаштиради, ёки сустлаштиради, аммо ўзи ўзгармай қолади. Кимё соҳасида, масалан, платина гуруҳига кирувчи металлар, кумуш, никел каби моддалар, биология соҳасида ферментлар — катализаторлардир. Катализ жараёнида бир қатор моддаларнинг ўзаро реакцияга киришувидан янги бир маҳсулот пайдо бўлади. Кўпгина кимёвий-технологик жараёнлар каталитик жараён ҳисобланади. Масалан, айрим полимерлар, аммиаклар ишлаб чиқаришда катализ жараёни қўлланилади.

Катализ илмини республикада биринчилардан бўлиб ривожлантириш ташаббускорларидан бўлган олим Абдулла Султоновдир. Фақат шугина эмас. У бутун дунёга маълум бўлган Д.М.Менделеев яратган катализ илмининг кимёвий назариясини такомиллаштирди, ривожлантирди. Ўзининг янги назарий хулосаларини махсус монографияда баён этди. Бу монография кўпгина чет тилларга таржима қилинган. Ҳамюртимизнинг кимёвий назариясидан ҳозирги кунгача катализ соҳасида бутун дунё кимё саноати амалиётида фойдаланиб келинмоқда.

Атоқли кимёгар олим 1964 йилда Ўрта Осиё нефтни қайта ишлаш саноати илмий-тадқиқот институтини ташкил этишда ташаббускор бўлди. Мазкур институтни 1977 йилгача бошқарди. Ҳозирги кунда бу институт, ҳақли равишда, ўз ташкилотчиси Абдулла Султонов номи билан аталади. Абдулла Султонов олиб борган илмий-тадқиқот натижалари кўплаб саноат корхоналарида, қишлоқ хўжалиги ва тиббиёт соҳаларига татбиқ этилган. Олим 570 дан ортиқ илмий-муаммовий мақолалар қолдирди, унинг 270 дан кўпроқ ажойиб илмий ихтиролари бор. Бундан ташқари, унинг илмий раҳбарлигида 10 дан ортиқ фан докторлари ва 60 дан зиёд фан номзодлари етишиб чиқди.

Абдулла Султоновнинг катализ ва органик кимё соҳаларида олиб борган илмий изланишлари ҳозирги кунда яна шу олимнинг номи билан аталган Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти олимлари ва бошқа илмий марказларда хизмат қилаётган шогирдлари томонидан ривожлантирилмоқда. Улар томонидан яратилган катализаторлар, дори воситалари ва бошқа препаратлар республика ҳаётининг кўпгина соҳаларида қўлланилиб келинмоқда.

Олимнинг илм-фан соҳасидаги улкан хизматлари кимё фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги илмий даражалари ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби фахрий унвони билан тақдирланган.

Гарчи улкан ватанпарвар олим ҳаётдан ўтиб кетган бўлса-да, унинг халқимиз, Ватанимиз олдидаги улкан хизматлари, илм-фан ва амалиёт соҳасидаги ютуқлари, энг муҳими, илмий ғоялари ва тадбирлари яшаб, ҳаётимиз ривожига катта ҳисса қўшиб келаяпти. Ҳа, Абдулла Султонов ибратли умр кўрди, ибратли яшади ва шахсияти бошқаларга ёрқин ибрат намунаси бўлиб қолди.

**Х.МАҲКАМОВ,**
**кимё фанлари доктори,**
**М.САФАРОВ,**
**журналист.**

## Ўз касбининг устаси

Жиззах шаҳри ва Жиззах вилояти туманларида кейинги йилларда кўпдан-кўп иншоотлар барпо этилди. Бунда «Жиззахйўлқурилиш» тресту бунёдкорларининг ҳиссаси катта.

Комил Жаъфаров шу жамоада автокранчи бўлиб ишлайди. «Ўз касбининг устаси», дейишади ҳамкасблари у ҳақида гап кетганда. Ҳақиқатан ҳам Комил ака бу ерда кўп йиллардагн буён ҳалол ишлаб келмоқда.

— Менинг меҳнатим сингган қурилиш-монтаж ишларининг саноғи йўқ, — дейди тажрибали қурувчи. — Бугун шаҳар ва қишлоқлар кўркига-кўрк қўшиб турган замонавий биноларни кўрганимда, умрим беҳуда ўтмаганидан фахрланиб кетаман.

**СУРАТДА:** ***илғор ишчи Комил Жаъфаров.***
**Илҳом ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.**



*Қистов, ҳатто, даъват бўлгани йўқ. Фермерларнинг ўзлари айтишди. Шу, 80 ўринли туғруқхона сувоқлари кўчиб, поллари зах тортиб уриниб қолибди. Иморатни бир ялтиллатиб таъмирдан чиқариб берайлик, дейишди.*

## Фермер ҳиммат қилса

**Фермер айтса, бўлди — бажарар экан.**

**— Қарийб йигирма кун ичида фермерлар катта иш қилишди, — дейди Шўрчи туман марказий шифохонаси бош врачи Абдуғани Соатов. — Ана, “Санжар”, “Нурмуҳаммад”, “Ўктам”, “Абул” фермер хўжаликларининг ишларини кўринг. Ўз маблағлари ҳисобидан қулинг ўргилсин юмушларни қилишади.**

**— 518 та фермер хўжалигимиз бор, — дейди туман деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Исохон Абдуллаев. — Туғруқхона бўлимини таъмирлашга уларнинг 200 таси бош қўшди. 30 миллион сўмликдан кўпроқ иш бажарилди. Бу биз, фермерларнинг Наврўз байрамига совғамиз бўлди.**

**О. УСАНОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

# БАНКЛАР ФЕРМЕРЛАРГА ПЕШВОЗ ЧИҚМОҚДА

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Лизинг кредитларининг афзаллиги нимада? Авваламбор, улар кредит таъминоти учун етарли маблағи бўлмаган, аммо юқори тажрибага эга бўлган тадбиркорлар, 40-50 гектар ерда деҳқончилик қилаётган фермерларга узоқ муддатларга имтиёзли фоизларда берилади. Қолаверса, мақсадли ишлатилиши, кредитнинг қайтарилмаслик хатари камлиги, иқтисодиётнинг реал тармоғига йўналтирилиши, янги иш жойлари очилиши, умуман, иқтисодиёт ривожига сезиларли таъсир кўрсатиши билан ажралиб туради. Мисолларга мурожаат қилайлик. Оҳангарон туманидаги «Агросармоя» масъулияти чекланган жамиятига лизингга берилган 100 млн. сўмлик қишлоқ хўжалиги техникалари тумандаги деҳқон ва фермер хўжаликларининг ерга ишлов бериш юмушларини енгиллаштирган бўлса, «Пахтабанк»нинг Қўқон бўлими томонидан ажратилган 13,8 миллион сўм кредит ҳисобига «Жавоҳир» фермер хўжалиги «ТТЗ—80» русумли трактор харид қилди. Бу хўжаликда 20 нафар киши деҳқончилик қилади. Аҳамиятли томони шундаки, ўтган йилни жамоа 8,7 млн. сўм соф фойда билан якунлади.

Жорий йилда ҳам банклар томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига қишлоқ хўжалиги техникаси ва мини-технологиялар олиш учун лизинг хизматлари кўрсатилишини кенгайтириш, кўрсатилаётган консалтинг ва инжиниринг хизматларининг сифат даражаси ва ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, хорижий кредит линияларини ўзлаштириш борасида ҳам тижорат банклари томонидан муаяйн ишлар амалга оширилмоқда. Бунда кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлашда асосий эътибор экспортбоп ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган лойиҳаларни молиялаштиришга қаратилмоқда. Ўтган давр мобайнида кичик ва ўрта бизнес субъектларининг лойиҳаларини молиялашга йўналтирилган жами хорижий кредит линиялари миқдори 356,09 млн. АҚШ долларини ташкил этди. 2002 йил мобайнида эса 77,57 млн. АҚШ доллари миқдоридаги хорижий кредит линиялари ўзлаштирилди. Жумладан, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки кредит линияси ҳисобидан «Хоразм-Нуртоп» корхонасига Германиянинг «Цинзер» фирмасидан калава ип ишлаб чиқариш ускунасини сотиб олиш учун 4784 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилганди. Мазкур кредит ҳисобига 96 та янги иш ўрни очилди. Ўтган йили корхонада 1800 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 1223 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди.

Мамлакатимиз раҳбари қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва жадаллаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган йиғилишда тармоқда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг вазифалари ва масъулияти, ўзларига хизмат кўрсатувчи, техника ва ёнилғи, транспорт ва уруғлик, маблағ ва кредит каби зарур ресурслар билан таъминлайдиган ташкилотлар, қайта ишловчи корхоналар билан муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан янада аниқ белгилаб қўйилиши лозимлигини алоҳида уқтириб ўтди. Йиғилишда таъкидланганидек, фермерларнинг ўзлари бевосита ишлайдиган корхоналар ва ташкилотлар ўртасида учинчи томон, яъни ширкат хўжалиги иштирокисиз, мустақил равишда тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ва унда мажбуриятларнинг аниқ белгиланиши ва тўлиқ бажарилиши амалиёти жорий этилиб, эришган ютуқлари реал баҳоланса ва манфаатдор бўлса, шубҳасиз, уларнинг имкониятларини янада кенгайтиради, ўзининг куч-қудратига таяниб, ҳосилдорлик ва пировардида меҳнат самарадорлигини ошириш учун ҳаракат қилишга даъват этади.

— Банк тизими билан кичик ва ўрта корхоналар, хусусан, деҳқон ва фермерлар манфаатларини интеграциялашда ўзаро муносабатларни икки томонлама шартнома асосида қуриш лозим, — деб давом этди Қаҳрамон Тожиевич. — Чунки бу муносабатларнинг такомиллашувини ҳозирги иқтисодий вазиятнинг ўзи тақозо этмоқда. Тўғри, бундай ҳамкорликнинг тайёр рецепти йўқ. Бироқ бугунги кунда банкларнинг салоҳияти, етук мутахассисларга эгалиги, тизимда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг изчиллиги ва барқарор ривожини эътиборга олсак, кичик хўжалик субъектларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга уларнинг имкони етади. Кузатишларимиз кичик хўжалик субъектлари банкларнинг турли хил маслаҳатлари ва хизматларига эҳтиёж сезаётганини кўрсатмоқда. Бу ўз навбатида банкларнинг уларга ҳисоб-касса хизмати кўрсатишда янги технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда ўз хизматлари жозибадорлигини муттасил ошириб бориши, нафақат кредит, балки айланма маблағлари етишмай қолган пайтда ссуда маблағлари, уларнинг барқарор ривожланиши учун эса инвестицион маблағлар билан таъминлашни янада кенгайтиришларини талаб этади.

Айни пайтда банклар молиявий жиҳатдан бақувват хўжалик субъектлари, аҳолининг бўш турган пул маблағларидан унумли фойдаланиши учун турли депозит ҳисобварақлари ҳамда омонат турларини очиш йўли орқали жалб этилган ресурслардан молиявий ёрдам кўрсатиши, молия бозорлари ҳақида ахборотлар билан таъминлаб туришига эътиборни кучайтиришлари лозим.

Бундан ташқари, хўжалик субъектларининг ички бозордан мустаҳкам ўрин олиши ва ташқи бозорларга чиқиши учун консалтинг хизматлари кўрсатиш, янги ҳамкорлар топиш, бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ҳисоботларни тайёрлашда ёрдам кўрсатиш, шартномалар тузишда маслаҳатлар бериш ҳам банкларнинг устувор вазифаларидан бирига айланмоғи лозим. Албатта, бунда томонлар бир-бирларининг ишончига путур етказмаслиги ва улар молиявий барқарорликка зиён етказувчи таваккалчиликлар қилмаслиги зарур. Биз бозор иқтисодиёти шароитида яшаяпмиз, бинобарин, бундай хизматларнинг барчаси ўзаро ишонч ва шартнома асосига қурилиши лозим. Ана шунда томонларнинг ўзаро масъулияти ошади. Пировардида ўзаро ҳамкорлик ҳам банк, ҳам мижознинг молиявий барқарорлигини таъминлайди.

**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Жиноят ва жазо

*Ойдин онасининг кўксига бошини қўйганча йиғлаб юборди. Қизини бағрига босган Мунаввар опа шу куйи узоқ турди. Ўша маҳал хаёлидан нималар ўтмади, дейсиз. Эри Собирдан ажрашганидан буён қанча сувлар оқиб кетди. Қанча кунлар тунларни «ютди» Мунаввар опа эса Ойдингинасини қўмсаб, тунни тонгга улайверди.*

# Ўгай она зуғуми

## бир қиз умрига зомин бўлди

Улар ажрашганида Ойдин эндигина 7 ёшга тўлган қизалоқ эди. Мунаввар бечора жигаргўшасини она меҳридан ва укалари дийдоридан бенасиб қилаётганидан ўзига, тақдирига лаънатлар ўқиб уч боласини етаклаган кўйи йиғлаб-йиғлаб чиқиб кетган эди ўшанда. Тақдир экан. Сўнг бошқа кишига турмушга чиқиб кетди. Ўтган йиллар олисларда қолиб кетган жонининг бир парчасини соғиниб яшади. Қишлоғига келган пайтлари Ойдинни тўйиб-тўйиб эркалагиси яна ва яна бағрига босгиси келарди. Аммо, кундошининг ниҳоятда бадфеъл деб эшитгани боис «қизимга жабр қилмасин», дея ноилож қайтиб кетарди.

Мана, бугун Ойдингинаси бўй етиб бир қиз бўлибди-ей. Кўз тегмасин-да.

Мунаввар опа Ойдиннинг узатилаётганини эшитиб суюнди. Кўзига ёш олди. Қизи билан отаси ҳам келганини яхшилик аломати, деб ўйлади... Насиб этса, энди қизи ўгай онанинг зулмидан қутулиб кетади. Хуллас, она қизгинамнинг келинлик кўрпа-тўшакларини ўз қўлларим билан қавиб бераман, дея эртасига қизи ва унинг отаси ҳамкорлигида Чироқчига йўл олди.

Улар Шўрбозор қишлоғига келишганида кун пешиндан оғганди. Ўгай она жанжал кўтариб юрмасин дея Собир она-болани синглисиникида қолдирмоқчи бўлади. Аксига олиб сингил тўйхонага кетган экан, уларни эшик олдида қолдириб кетади. Ва... Орадан ярим соатча вақт ўтар-ўтмас, югургилаб келган аммаси салом-аликни насия қилиб, Ойдинлар уйида тўполон бўлаётганини айтди.

... Ойдин уйига аммаси айтгандай айни жанжалнинг устига кириб борди. Ўгай она эрига ўшқирарди:

— Кундошим боламнинг тўйига келмади, қайнонам ўлди келмади, энди қиз керак бўлиб қолибдими?

Ойдинни кўргач, ўгай онаники баттар тутди:

— Ҳой етимча, онанг эга бўлиб қолдими, уни уйга олиб келмайсан, билдингми?

Шу куни туни билан жанжал тинмади. Жағи очилиб кетган ўгай она гоҳ эрини, гоҳ қизни, гоҳ кундошини қарғаб чиқди. Эртаси тушлик вақтида Ойдин маъюсгина ҳолда аммасиникига келди-да, онасига ёрилди.

— Мен хом ўйлаган эканман, онажон, кечиринг.

Шу оқшом Ойдин тўйдан деб онасига кўйлак тикди. Она-бола дардлашдилар. Эрталаб Мунаввар опа бўзлаганча уйига қайтди. Орзулари чил-чил синган қиз охирги марта кўраётгандек онаси ортидан бўзлаб қолди...

Ойдин уйга тўлиб қайтди. Ўгай онасидан еган калтаклари, хўрланганлари бир бўлдию, онаси келгани туфайли бошланган жанжал бир бўлди. Уйга келиши билан ўгай она яна ҳужумга ўтди. Ойдин шу дамда унинг қарғишларини эшитиб, жим ўтирадиган аҳволда эмасди. У ҳам гап қайтараверди. Йиллар давомида кўнглида йиғилиб ётган алам, изтиробни, нафратни тилига чиқарди, ўпкаси тўлиб, тилига гап келмай қолгач, молхона томон югуриб кетди...

Орадан ҳеч қанча ўтмай, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган фожиа рўй берди. Бақириқ, чақириқдан йиғилган қўни-қўшни ёқа ушлади. Не кўргуликки, азоблардан тўйган, ҳақоратдан чарчаган, она меҳрига ташна, бир оғиз ширин сўз гадоси бўлиб ўсган, орзу билан мустақил ҳаётга қадам ташлаб, эртасидан яхшилик кутган бокира қиз сўнгги чорани — қалтис йўлни танлади. Ўз жонига қасд қилди...

— Шундай қилиб, бу иш юзасидан ўгай онага нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Маматова Мунаввар Ойдинни қизалоқлигидан уриб, ҳақорат қилиб келган. Уни хўрлашни, камситишни кундалик юмушига айлантириб олгани аниқланди, — дейди Чироқчи туман прокуратураси терговчиси Бўри Мўминов. — Ахир Ойдиннинг ҳам бошқалардан кам бўлгиси келмасди. У ҳам, бир кун бўлса-да, камситилмасдан яшашни хоҳларди. Ёруғ кунларни орзу қилади. Болалик ва ўсмирлик даври зулмат аро ўтган хонадондан қутулиб кетаётганида отаси-онаси бир бўлиб дуога қўл очиб кузатиб қолишини хоҳларди. Эҳтимол, унинг турмушга чиқиб кетаётгани бошқаларга одатий ҳолдек туюлгандир. Аммо Ойдин учун бу жуда катта воқеа эди. Ойдиннинг кичиклигидаги мўминлиги, ожизлиги ўгай онанинг кўзини ёғ бостириб қўйди. Йўқса, уни Ойдиннинг вояга етгани, бир неча маротаба “Ўзимга ўт қўйиб юбораман” дея ўртанишлари сал ҳушёр торттирар эди. Афсуски, бундай бўлмади.

Терговчининг айтганларини тинглар эканман, хаёлимдан шундай ўйлар кечди. Одамлар мутлақо бегона болаларни боқиб, ўқитиб, уйли-жойли қилади. Бу меҳрибонлиги учун элдан дуо олишади. Болаларни эса еру кўкка ишонишмайди. Маматова эса эрининг зурёдини нобуд қилди. Ойдиннинг энг сўнгги орзусини ҳам топтади. Уни ҳаётдан батамом тўйдирди. Охир-оқибат суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур бўлди ва суд ҳукми билан унга узоқ муддатли жазо тайинланди.

**Дамин ЖУМАҚУЛОВ,**
**журналист.**

Алоқа тизими

*Республика телекоммуникация тармоғини хусусийлаштириш ва «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси акцияларининг 51 фоизини стратегик хорижий инвесторга сотиш борасида катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Мазкур компания филиали — Тошкент шаҳар телефон тармоғи жамоаси бу жараёнда қатнашаркан, АТСлар қувватини ошириш ва хизмат кўрсатишни абонентларга яқинлаштириш учун мавжуд ички имкониятларни излаб топмоқда. Бундай имкониятлар ўз навбатида тармоқни янада ривожлантириш, таъмирлаш, модернизациялаш ҳамда аҳоли ва халқ хўжалигига сифатли телефон алоқаси, шунингдек, симли эшиттириш хизматлари кўрсатишни яхшилашга кўмаклашади.*

# ТЕЛЕФОН ҚАНЧА КЎП БЎЛСА, ШУНЧА ЯХШИ!

Ўтган йил корхонамиз учун тармоқ сиғимини янада катталаштириш даври бўлди. Ҳамма иш силлиққина кўчгани йўқ, албатта. Аммо иқтисодий, тузилмавий ва ижтимоий қайта қуришлар йўлида ишни қайта ташкил этишимиз муайян самараларни берди. Хусусан, пойтахтда хизмат ва хонадон телефонлари ўрнатишдаги муаммо камайди. Ҳозирги кунда оилаларнинг 90 фоизга яқини шундай алоқа воситасига эга бўлса-да, телефон ўрнатишни сўраб берилаётган аризалар ҳамон кўп. Корхонамиз раҳбарияти ва мутахассислари бу масалага доимо диққат-эътибор билан қарамоқдалар.

2002 йилда Тошкент шаҳри телефон тармоғини ривожлантириш ва модернизациялаш пойтахт корхоналари ва аҳолисини алоқа хизматларига талаб-эҳтиёжини қондиришга имкон берди. Ўтган йили 22000 тага яқин телефон ўрнатилди, 4 та янги АТС ишга туширилиб, мавжуд станцияларнинг қувватлари оширилди. Жумладан, 21/24-АТС, 125-АТС биноларида 3904 та номерли тиркама концентратор, Ибн Сино мавзеида 2176 та номерли 148-АТС, «Тиббиёт институти» мавзеида 2928 та номерли, 53-АТС биносида 1008 та номерли, 65-АТСда 1832 та номерли янги қувватлар фойдаланишга топширилди.

Ҳозирги пайтда пойтахт телефон тармоғининг қуввати 550 мингта номерга яқин бўлиб, шундан 524 мингтаси ишлаб турибди.

Амалиётда муҳим вазифани ҳал этишга киришилди – телефонлар навбатсиз ўрнатилмоқда. Аммо бу телефонлаштириш борасида ҳамма нарса жойида экан, деган маънони билдирмайди. Биз битта муаммони ҳал этиб бўлгач, бошқасига изчиллик ва қунт билан киришмоқдамиз. Пойтахт аҳолисининг ўзи кўп ҳолларда ариза кўтариб келар экан, қаерда телекоммуникация инфратузилмаси етарли даражада ривожланмаганидан нолийди, мавжуд муаммони ҳал этиб беришимизни илтимос қилади.

Телефонга эга бўлишни хоҳловчиларга шуни эслатиб ўтиш ўринлики, эндиликда телефон ўрнатиш (якка тартибдаги лойиҳа бўйича қуриш) қоидалари жуда оддий: ариза берилди, телефон боғламаси билан шартнома тузилди, бажариладиган ишлар қиймати тўландими, вассалом, 150 кун мобайнида уйингизга телефон туширилади.

Битта оила икки-учта телефонга эга бўлган ёки катта хонадонларда, тадбиркорларнинг офисларида, кичик ва ўрта бизнес тузилмаларида қўшимча номерлар ва бевосита алоқа линиялари ўрнатиб беришни илтимос қилиш ҳоллари ҳам йўқ эмас. 2002 йилда якка тартибдаги буюртмалар асосида 2000 та телефон ўрнатилди.

Тошкент шаҳри телефон тармоғида станциялар ва линия иншоотларининг сиғимларидан мумкин қадар унумли фойдаланилмоқда: ҳозирги кунда АТСлар қувватининг 96 фоизи ишлаб турибди. 460 мингтадан ортиқ телефон хонадонларга хизмат қилмоқда. Бу – шаҳардаги барча телефонларнинг 88 фоизи, демакдир. Бошқача айтганда, шаҳарнинг ҳар 100 аҳолисига 24,1 та телефон аппарати тўғри келаётир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2002 йилда тармоқни модернизациялаш ва ривожлантиришга 4,2 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ йўналтирилди. Унинг 90 фоизи корхонанинг ўз маблағидир. Шунинг ҳисобига 3,6 миллиард сўмлик телекоммуникация ускуналари сотиб олинди.

Телефон каналлари, магистраллари ва тақсимлаш тармоқлари қурилишига 116 миллион сўм сарфланди. Бу кўплаб маҳаллалар, турар жой ва саноат объектларини телефонлаштириш учун симлар ўтказиш имконини берди.

Бутун йил мобайнида истиқболдаги ривожланишга тайёргарлик кўриш соҳасида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Тендерда ғолиб чиққан Хитойнинг «Хуавей» компанияси иштирокида янги 134/135 индекслар бўладиган 34/35-АТСни реконструкция қилиш ва кенгайтириш учун техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш, «3» индексли иккинчи миллионли зона учун бошланғич маълумотларни тайёрлаш, интеллектуал тизимларни жорий этиш бўйича лойиҳани ишлаб чиқиш, шунингдек, 2005 йилга қадар яқин истиқбол стратегиясини белгилаб олиш шулар сирасига киради.

Айтганча, ҳозирги пайтда 48, 77-АТСларни алмаштириш учун янги тендерлар эълон қилиш масалалари ҳам ҳал этилмоқда.

Ўтказилган маркетинг тадқиқотлари эса маҳаллий телефон тармоғини қайси йўналишда ривожлантириш лозимлигини кўрсатиб берди. Бундай йўналишлар аналог тизимлардан рақамли тизимларга ўтиш, аналог тизимларнинг станциялараро алоқаларини рақамли тизим алоқаларига алмаштириш, бир қатор АТСларда вақтбай ҳақ тўлашни жорий этиш, интеллектуал хизматлар тақдим этиладиган рақамли тармоқни интеграциялаш, хизматларни истеъмол қилувчиларни маҳаллийлаштириш жойларида ҳақ олиш тармоқларини ташкил этиш, тиркама абонентлик концентраторларини ривожлантириш, хизматларнинг қўшимча турларини кенгайтириш, Интернет провайдерлари учун алоқанинг тезкор каналини тақдим қилиш, маълумотларни узатиш таксофон хизматлари тармоғини кенгайтириш ва бошқалардан иборатдир. Мана шу вазифалар бўйича зарур тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда ва улар рўёбга чиқарилмоқда.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида 78 та АТС, шу жумладан, 29 та рақамли АТС, ривожланган линия-кабелли иншоотлар, бирлаштирувчи йўналишлар мавжуд бўлиб, улар абонентларнинг энг юқори талаб-эҳтиёжларини қондиришга қодирдир. Шунингдек, тармоқда оптик-толали кабеллар, рақамли электрон ускуналардан фойдаланиладиган истиқболли технологиялар ҳам қўлланилмоқда.

Телекоммуникация хизматларининг янги турлари амалда ёппасига жорий этилмоқда. Бунинг учун рақамли АТСлардан турдош АТСларга комплекс тиркамалар ишлаб чиқилди. Бу эса барча хоҳловчиларга ахборот айирбошлашнинг такомиллашган турларига, шу жумладан, Интернетга уланишларига имконият яратиб берди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, Интернет хизматларини амалга ошириш суръати ўсиб боргани ҳолда, барқарор равишда ривожланаяпти.

Собир Раҳимов ва марказий телефон боғламларида жорий этилган биллинг тизими бўйича хизматлар кўрсатиш ҳам тобора мукаммаллашмоқда. Шаҳарнинг бутун тармоғида биллингни жорий этиш учун шарт-шароит ҳозирлаш соҳасида янги қадам қўйилди. Мутахассисларимиз ҳисобга олиш ва абонентлар билан ҳисоб-китоб қилишнинг бу илғор усулини Бухоро ва Фарғона вилоятлари телекоммуникация тармоқларига улаш ҳамда жорий этиш бўйича катта ишларни бажардилар.

Аҳолига тобора кўпроқ хизматлар кўрсатилмоқда. Агар бундай хизматлар ўтган йилларда умумий даромадда 35-40 фоизни ташкил этган бўлса, 2002 йили 60 фоиздан ортди. Биз буни фуқароларнинг корхонамизда кўрсатилаётган хизматларга, жорий этилаётган ва таклиф қилинаётган янгиликларга ишончи, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш соҳасида кўрилаётган чора-тадбирларга берган баҳоси, деб биламиз.

Шу билан бирга, линия-кабелли иншоотларнинг мураккаб механизми нафақат сифатли хизмат кўрсатишга, балки уни мунтазам равишда таъмирлаб бориш ва алмаштиришга муҳтож бўлиб турибди. Ўтган йили капитал таъмирлашга 434 миллион сўм сарфланди – материаллар сотиб олинди, зарур ишлар бажарилди. Шу жумладан, ўғирлаб кетилган кабеллар ўрнига янгиларини ётқизишга мажбур бўлдик. Бундай нохуш ҳолатлар ҳамон учрамоқда. Кабелли иншоотларни сақлаб қолиш мақсадида милиция органлари билан биргаликда эҳтиёт чоралари ишлаб чиқилди, 2000 дан зиёд магистрал ва станциялараро кабеллар сигнализацияга уланди.

Ер ости канализациясидан ўтказилган қарийб уч минг километрлик кабелнинг сақланиши ва доимий ишлаб туришини таъминлаш осон эмас, албатта. Бироқ линия хизмати ходимлари бирорта участкани ҳам эътибордан четда қолдираётганлари йўқ, тартибни таъминлаш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқдалар.

Эътиборлиси, станциялар ўртасидаги алоқаларнинг ёмонлашувига боғловчи линияларнинг сабаб бўлиш ҳоллари эндиликда кам учрайдиган ҳодисага айланди. Чунки рақамли транспорт телекоммуникация катта ҳалқаси соз даражада ишламоқда, муҳим йўналишларда қўшимча равишда унга ўхшаш кичик транспорт ҳалқалари яратилмоқда. Улар барча рақамли ва боғламли АТСларни тармоққа улайди, хабарлар оқими мунтазам равишда автоматик равишда тартибга солиб турилади.

Абонентларнинг дебиторлик қарздорлигини қисқартириш каби бирмунча мураккаб вазифалар ҳам корхонамизда турли усуллар билан ҳал этилмоқда: солиштириш актлари тузилмоқда, автомат-роботлар қарздорларга эслатмалар ва огоҳлантиришлар юбормоқда, ҳеч иложи бўлмаган ҳолатларда эса телефонни ўчириб қўйиш ва ундан маҳрум этиш чоралари кўрилмоқда, судга даъво аризаси киритилаётир. Оқибатда дебиторлик қарзлари доимий равишда пасайиб бораяпти. Бугунги кунда у йиллик даромаднинг атиги 4,8 фоизини ташкил этмоқда.

Пойтахт телефон тармоғида, шунингдек, махсус дастурга мувофиқ, бозор муносабатларини жорий этиш, тижорат фаолияти усулларини ўзлаштириш, акцияларни хориж инвесторларига хусусийлаштириб бериш маррасига яқинлашиш борасида чора-тадбирлар комплекси амалга оширилмоқда. Масалан, корхона мақомининг ўзгариши ва у «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг филиалига айланиши муносабати билан акцияларни айирбошлаш, акциядорларга хизмат кўрсатиш ва акциядорларнинг реестрини юритиш учун шартномалар тузиш юзасидан зарур ишлар бажарилмоқда. Уяли алоқа операторлари билан муносабатлар, шу жумладан, маҳаллий телефон тармоғи ресурсларидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш бўйича муносабатлар изга солинаётир. Корхона ходимларини ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг малакасини ошириш юзасидан эса конструктив ишлар қилинмоқда.

Жорий йилдаги режаларга тўхталсак, камида 1,5 миллиард сўмлик капитал қўйилмаларни ўзлаштириш, 8000 та янги телефон аппарати ўрнатиш ҳисобига электрон АТСлар тармоғини ривожлантириш, 34/35-АТСни 134/135-АТСга айлантириш, қўшимча хизматларни жорий этиш, Интернет тармоғига янги абонентларни улаш, маълумотларни узатиш тармоғини ривожлантириш, ИСО 9000 халқаро стандарт сифатини босқичма-босқич жорий этиш негизида хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш, 6,3 миллиард сўм миқдорида чет эл кредитларини қайтариш вазифалари шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, уяли алоқа операторлари билан биргаликда Тошкент шаҳри маҳаллий тармоғининг учинчи миллион зонасини ҳаракатга келтириш бўйича лойиҳани рўёбга чиқариш мўлжалланган. Бу уяли компаниялар ва маҳаллий тармоқни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва даромадлиликни ошириш учун истиқболлар очилишига ёрдам беради.

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали жамоаси бугун ишчан кайфиятда бўлиб, ўз зиммасидаги пойтахт аҳолиси ва халқ хўжалигини инфокоммуникация технологиялари ва телекоммуникация воситаларининг барча турлари билан таъминлашдек муҳим вазифаларни изчил адо этаяпти. Зеро, улар алоқа ва ахборот барча соҳаларда иқтисодий барқарорлик ва ривожланишнинг устувор йўналишлари бўлиши йўлида тинмай изланмоқдалар.

**Саидакбар АЪЗАМОВ,**
**«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси филиали — Тошкент шаҳар телефон тармоғининг директори, техника фанлари номзоди, доцент.**

UZDUNROBITA
first cellular

GSM

БИЗНИНГ GSM ТАРМОҒИМИЗ КЕНГАЙМОҚДА!




ЭНДИ GSM ТАРМОҒИ ҚАРШИ ВА ХОНОБОДДА!

"ПРЕСТИЖ" РЕЖАСИ 99$
ЧЕКЛАНМАГАН ЭФИР ВАҚТИ
+ SMS VMS – БЕПУЛ!

УЗДУНРОБИТА GSMдан GSMга кирувчи қўнғироқлар БЕПУЛ!

GSM ТАРМОҒИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РЕЖАЛАРИ
(Тарифлар АҚШ долларида кўрсатилган ва ҳамма солиқларни ўз ичига олади),
2003 йил 1 феврапдан бошлаб амал қилади.

| Хизмат кўрсатиш режалари | Абонент тўлови ($) | Кириш алоқаси баҳоси ($) | Чиқиш алоқаси баҳоси ($) | Кириш алоқаси баҳоси «Уздунробита» уяли алоқа телефонларидан (GSM - GSM) ($) |
|---|---|---|---|---|
| Эксклюзив | 2.0 | 0.08 | 0.10 | Бепул |
| Престиж | 99.00 | Бепул | | |

Илова:
«Уздунробита» ҚК тармоғи бўйича GSM русумида ягона рўйхатга олиш зонаси амал қилади, яъни танланган хизмат кўрсатиш режаси тарифлари GSM тармоғи доирасида кучга эга.

БЕПУЛ УЛАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА!

SMS
ҚИСҚА МАЪЛУМОТ ХИЗМАТИ

VFMS
ОВОЗЛИ ВА ФАКСИМИЛ ХАБАРЛАР ХИЗМАТИ

Кечаю - кундуз маълумотлар хизмати:
130-09-09, 131-09-09, 103-09-09
"Уздунробита" ҚК телефонларидан - 611.

Тошкентдаги сервис маркази манзили:
Усмон Юсупов кўчаси, 16-уй ("Лабзак").
www.uzdunrobita.uz

УзАСИ АА №0000104

# «Ғаллабанк» янги омонат турларини жорий этади

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилга бағишланган мажлисидаги маърузасида аҳолининг коммунал тўловлар бўйича 4 миллиард 600 миллион сўм қарзи мавжудлиги тўғрисида тўхталиб ўтган эди. Коммунал хўжалиги соҳасида вужудга келган ушбу муаммоларни бартараф этишда тижорат банклари олдида ҳам бир қатор вазифалар турибди.

Мазкур ишга ҳисса қўшиш мақсадида республика акциядорлик тижорат банки — «Ғаллабанк» тизимида ҳам қатор қулайликлар яратилмоқда. Масалан, ҳукумат қарори асосида индексация қилинаётган маблағларга ажратилаётган фоизлар ҳисобидан коммунал тўловлар учун пул ўтказиш йўлга қўйилган. Банк бошқаруви қарори билан ушбу тўловларни қабул қилиш ва ўтказиб бериш учун комиссион тўловлар олинмаслиги белгиланди. «Коммунал тўлов» омонат тури жорий этилган бўлиб, у қатор қулайликларга эга. Омонатни сақлаш муддати бир йил. Шу вақтда фуқарога йиллик 42 фоиздан 48 фоизгача даромад тўланади. Фоизлар фуқаро ўз пулини омонатга қўйиш пайтида белгилаб берган телефон, иссиқ ва совуқ сув, газдан фойдаланганлиги учун коммунал тўловлардан бири ёки бир нечтаси учун омонатчи иштирокисиз тўлаб берилади.

Бу фуқароларга бир қатор қулайликлар яратади. Биринчидан, омонатчи коммунал тўловларни тўлаш учун ҳар доим банк ёки корхона кассасига бориши шарт эмас. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, у маблағ қўйиш вақтида тўловларни белгилаб беради, холос. Омонатнинг сақланиш муддати тугагунга қадар ҳар ойда бир марта унинг учун фоизлар ҳисобланиб, омонатчи иштирокисиз тўловлар амалга ошириб борилади. Иккинчидан, фуқаронинг вақти тежалади. Энг муҳими, омонатчи ўз маблағидан даромад келтирадиган манба сифатида фойдаланиши билан бирга, коммунал тўловларни тўлаб боради. Хуллас, «Ғаллабанк» ўзининг барча филиаллари ва 70 дан ортиқ жамғарма шохобчаларида аҳолига «Коммунал тўлов» омонат туридан фойдаланишни тавсия этади.

Шунингдек, «Ғаллабанк» жамоаси юртдошларимизни баҳор байрами — Наврўзи олам билан муборакбод этади ва қуйидаги янги омонат ҳамда сертификатларни ҳам таклиф қилади:

**I. Аҳоли омонатлари**

- «Қувонч» — сақлаш муддати 3 ойдан 3 йилгача, фоиз ставкаси йиллик 43,2 фоиздан 55,2 фоизгача;
- «Барака» — сақлаш муддати 3 ойдан 3 йилгача, фоиз ставкаси йиллик 45,6 фоиздан 57,6 фоизгача;
- «Капитал плюс» — сақлаш муддати 3 ойдан 3 йилгача, фоиз ставкаси йиллик 48,0 фоиздан 60,0 фоизгача;
- «Кўклам» — сақлаш муддати 3 ой, фоиз ставкаси 54 фоиз йиллик, маблағлар 15-25 март кунлари қабул қилинади.

**II. Жисмоний шахслар учун депозит сертификатлари:**

- Сертифакатнинг амал қилиш муддати —12 ой
- Сертификат тури — тақдим этувчига тўланадиган
- Фоиз ставкаси — йиллик 48 фоиздан 50 фоизгача
- Фоизлар ҳар чоракда тўланади.

**III. Юридик шахслар учун депозит сертификатлари:**

- Сертификатнинг амал қилиш муддати —1 ойдан 12 ойгача
- Сертификат тури — нақдсиз, эгасининг номи ёзилган
- Фоиз ставкаси — йиллик 24 фоиздан 32 фоизгача
- Фоизлар ҳар ойда тўланади.

**Маблағларингиз хатарсиз ва сир сақланиши ҳамда ўз муддатида қайтарилиши кафолатланади.**

**«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин!**

**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 56-24-43, 56-22-65, 34-41-59, 136-16-17, 133-71-72.**

t

**НИЗОМИЙ номидаги**

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

**қуйидаги кафедралар бўйича бўш ўринларга**
**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

| | | |
|---|---|---|
| I. | **Кафедра мудирлари:** | инглиз тили назарияси ва методикаси; касб таълими ўқитиш методикаси; манбашунослик ва тарих ўқитиш методикаси; ўзбек тилшунослиги; ботаника, зоология ва экология. |
| II. | **Доцентлар:** | иқтисодий назария, фалсафа; умумий психология; тиббий билим асослари ва фуқаро ҳимояси. |
| III. | **Ўқитувчилар:** | демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти (2); иқтисодий назария, фалсафа; умумий психология; жисмоний тарбия ва спорт; чақириққача ҳарбий таълим ва жисмоний тайёргарлик; умумий педагогика (2). |

**Кафедра мудирлари лавозимларига танловда фан доктори, профессор, фан номзоди, доцентлар иштирок этишлари мумкин.**

*Таплов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун.*

**Танловда қатнашишни хоҳловчилар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:**
**Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй, ТДПУ ходимлар бўлими.**
**Телефон: 55-68-70.**

**Ректорат.**

7034850






## Янгиликлар, воқеалар, далиллар



### Ходимлар кўчирилади

*БМТ Бош котиби Кофи Аннан ташкилотнинг Ироқдаги ходимларини кўчириш ҳақида кўрсатма берди, деб хабар беради "Рейтер" агентлиги.*

*Ташкилот вакилларининг айтишича, ҳозир Ироқда БМТнинг 300 нафарга яқин ходими бор. Улардан 135 нафари халқаро инспекторлардир.*

### Олий суднинг қарори

*Испания Олий суди мамлакатда "Батасуна" радикал баск партиясини бутунлай тақиқлаш тўғрисида ҳукм чиқарди. Партия етакчилари ЕТА террорчилик гуруҳини қўллаб-қувватлаганликда айбланмоқда.*

*"Лента ру" нинг маълумотига қараганда, Испания ҳукуматининг талабига биноан ўтган йилнинг август ойида партия фаолияти уч йилга тақиқланган эди. Олий суднинг қарорига кўра, энди партия умуман фаолият юрита олмайди.*

### Коидзуми қўллаб-қувватламоқда

*Япония Бош вазири Жунитиро Коидзуми АҚШнинг Ироққа нисбатан ҳаракатлари ва Жорж Бушнинг Саддам Ҳусайнга қўйган қатъий талабини маъқуллашини билдирди, деб хабар беради "Рейтер" мухбири.*



*"АҚШ президенти Ироққа нисбатан халқаро бирдамликка эришиш учун қаттиқ саъй-ҳаракатлар қилмоқда. Менимча, у ана шундай қарорга келишга мажбур бўлди. Мен бу масалада АҚШнинг сиёсатини қўллаб-қувватлайман"— деди Коидзуми.*

### Музокаралар қайта бошланади...ми?

*Хитойнинг янги Бош вазири Вэнь Цзябао Тайванни "ягона Хитой" бўлиб бирлашиш бўйича тўхтатилган музокараларни қайтадан бошлашга чақирди, деб маълум қилади "Рейтер" мухбири.*

*Пекин бу ҳақдаги музокараларни 1999 йили орол президенти икки томонлама муносабатларни давлатлараро муносабатлар деб баҳолаганидан сўнг тўхтатган эди.*

### "Қоидабузар" кампир

*Италиялик 97 ёшли кампир ҳар хил қоидабузарлиги учун умумий ҳисобда 150000 евро миқдоридаги жарима квитанцияларини олган эди. Уларда айтилишича, қария Рим бўйлаб қимматбаҳо автомобилларда сайр қилгани ва турли хил қоидабузарликлар содир этгани учун шунча жарима тўлаши керак экан.*



*Аниқланишича, кампир фирибгарлик қурбони бўлибди. Бир фирибгар саккизта қимматбаҳо автомобилини қария номига рўйхатдан ўтказиб, шу автомобиллари билан мунтазам йўл қоидаларини бузиб келган. Полицияга буни аниқлаш учун бир неча ой керак бўлди ва ниҳоят фирибгар аниқланиб, қария жарима тўламайдиган бўлди, деб хабар беради "Автоновости ру".*

### Касалланганлар сони ортмоқда

*Аломатлари гриппга ўхшаш, аммо ҳали аниқланмаган юқумли касалликдан азият чекаётганларнинг сони бугунга келиб 700 нафардан ошиб кетди. Улар турли давлат фуқароларидир.*



*"SARS" (Severe Acute Respiratory Syndrome) номини олган ушбу "ўпка ўлати" оқибатида ҳозиргача 17 киши вафот этди.*

*Шифокорлар бу эпидемия ўтган аср бошида 20 миллион кишининг ёстиғини қуритган номаълум касаллик сингари кенг тарқалишидан хавфсирашмоқда, деб хабар беради "News ru".*



**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги барча халқ таълими бошқармалари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари, давлат ташкилотлари, корпорациялар, банклар, қўшма ва хусусий корхоналар раҳбарлари диққатига!**

# АЛИШЕР НАВОИЙ номидаги САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРАТИ

2002/2003 ўқув йилида турли ихтисосликлар бўйича битирувчи бакалавр ва магистр мутахассисларни йўлланмалар асосида иш жойларига тақсим қилишга киришмоқда. Университетимизда билим олган мутахассислар кенг қамровли назарий билимлардан ташқари замонавий инновацион ва педагогик технологиялар билан кенг таниш бўлиб, чуқур амалий тажрибага ҳам эгадирлар. Мутахассисларни тайёрлашда ривожланган чет эл мамлакатларининг олий ўқув юртларидаги илғор педагогик технологиялардан фойдаланилган. Улар халқ хўжалигининг турли соҳа ва тармоқларида ишлаш малакаси ва тажрибасига эга бўлган ҳар томонлама етук, замонавий талабларга жавоб берувчи юқори даражадаги мутахассислардир.

Университетимизни битирган мутахассисларга эҳтиёжи мавжуд бўлган давлат ташкилотлари, корпорациялар, банклар, қўшма ва хусусий корхоналар талабнома ва сўров хати билан бизга мурожаат этишлари мумкин. Талабномангизда сиз раҳбарлик қилаётган муассасада ёш мутахассисларга яратиб бериш мумкин бўлган имкониятларингиз (маошга устама ҳақ тўлаш, турар жой билан таъминлаш ва уларга бериладиган бошқа имтиёзларингиз) ҳамда қўшимча таклифлар ҳақида университет ректоратига жорий йилнинг 15 апрелига қадар хабар беришингизни сўраймиз.

Ректорат 2002/2003 ўқув йилида қуйидаги жадвалда кўрсатилган йўналишлар бўйича университетни битираётган юқори малакали бакалавр ва магистрлар ҳақида вилоятлар бўйича статистик маълумотни сизнинг эътиборингизга ҳавола қилади.

**Қўшимча муълумотлар учун телефонлар:** ***33-61-98, 35-26-26, факс: 35-26-26.***
**Манзилимиз: Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети, маркетинг хизмати.**



**2002/2003 ўқув йилида Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети бакалавриатурасини битирувчи мутахассисларнинг вилоятлар бўйича тақсимоти**

| № | Таълим йўналиши | Жами битирувчилар сони | Шу жумладан, вилоятлар бўйича | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Самарқанд | Қашқадарё | Навоий | Жиззах | Бухоро | Сурхондарё | Сирдарё | Тошкент | Наманган | Андижон | Фарғона | Хоразм | Қорақалп. Респ. | Бошқа республикалар |
| 1. | Жисмоний маданият ва жисмоний тарбия | 41 | 32 | 5 | 2 | | 1 | | | | | | | 1 | | - |
| 2. | Бошланғич таълим ва тарбиявий иш | 49 | 42 | 4 | 1 | | 1 | | | | | | 1 | | | - |
| 3. | Мусиқий таълим | 11 | 10 | | | 1 | | | | | | | | | | - |
| 4. | Педагогика ва психология | 35 | 31 | 1 | 1 | 1 | | | | | | | 1 | | | - |
| 5. | Ўзбек филологияси | 86 | 75 | 5 | 1 | 3 | | | | 2 | | | | | | - |
| 6. | Славян филологияси | 21 | 20 | 1 | | | | | | | | | | | | - |
| 7. | Тожик филологияси | 22 | 17 | | 2 | | 1 | | | | 1 | | 1 | | | - |
| 8. | Фалсафа | 18 | 18 | | | | | | | | | | | | | - |
| 9. | Археология | 10 | 7 | | 2 | 1 | | | | | | | | | | - |
| 10. | Тарих | 106 | 90 | 7 | 1 | 5 | | 1 | | 2 | | | | | | - |
| 11. | Социология | 39 | 36 | 1 | 2 | | | | | | | | | | | - |
| 12. | Иқтисодиёт | 130 | 125 | 1 | 3 | | | | | | | | | | 1 | - |
| 13. | Ҳуқуқшунослик | 114 | 97 | 2 | 4 | 2 | 5 | 1 | | 1 | | | | 2 | | - |
| 14. | Биология | 72 | 64 | 1 | 2 | 4 | | | | | | | | 1 | | - |
| 15. | Биокимё | 20 | 19 | 1 | | | | | | | | | | | | - |
| 16. | Механика | 21 | 19 | 1 | | 1 | | | | | | | | | | - |
| 17. | Кимё | 48 | 43 | 3 | 1 | | | | | | | | | 1 | | - |
| 18. | Физика | 77 | 64 | 6 | 5 | | | 2 | | | | | | | | - |
| 19. | География | 56 | 48 | 3 | 2 | 3 | | | | | | | | | | - |
| 20. | Математика | 85 | 71 | 2 | 1 | 6 | 1 | 4 | | | | | | | | - |
| 21. | Амалий математика ва информатика | 39 | 34 | | 2 | 1 | 1 | 1 | | | | | | | | - |
| 22. | Электроника ва микроэлектроника | 29 | 26 | 2 | 1 | | | | | | | | | | | - |
| 23. | Информатика ва ахборот технологияси | 26 | 24 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | - |
| 24. | Агрокимё ва агротупроқшунослик | 13 | 9 | 1 | 1 | 1 | | 1 | | | | | | | | - |
| 25. | Экология ва табиатдан фойдаланиш | 31 | 28 | | | 2 | | 1 | | | | | | | | - |
| 26. | Касбий таълим | 16 | 10 | 2 | 2 | | 1 | 1 | | | | | | | | - |
| 27. | Касбий педагогик тайёргарлик | 19 | 16 | 1 | 1 | | 1 | | | | | | | | | - |
| | **ЖАМИ:** | **1234** | **1075** | **51** | **38** | **31** | **12** | **12** | **0** | **5** | **1** | **0** | **3** | **5** | **1** | **0** |

**2002/2003 ўқув йилида Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети магистратурасини битирувчи мутахассисларнинг вилоятлар бўйича тақсимоти**

| № | Таълим йўналиши | Жами битирувчилар сони | Шу жумладан, вилоятлар бўйича | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Самарқанд | Қашқадарё | Навоий | Жиззах | Бухоро | Сурхондарё | Сирдарё | Тошкент | Наманган | Андижон | Фарғона | Хоразм | Қорақалп. Респ. | Бошқа республикалар |
| 1. | Информатика | 2 | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | |
| 2. | Мусиқий таълим | 2 | 1 | | | | | | | | | | | | | 1 |
| 3. | Педагогика | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | |
| 4. | Психология | 4 | 4 | | | | | | | | | | | | | |
| 5. | Лингвистика (ўзбек филологияси) | 3 | 3 | | | | | | | | | | | | | |
| 6. | Лингвистика (тожик филологияси) | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | |
| 7. | Адабиётшунослик (ўзбек адабиёти) | 3 | 3 | | | | | | | | | | | | | |
| 8. | Лингвистика (славян филологияои) | 3 | 3 | | | | | | | | | | | | | |
| 9. | Адабиётшунослик (славян филологияси) | 2 | 2 | | | | | | | | | | | | | |
| 10. | Жаҳон тарихи | 2 | 1 | | | 1 | | | | | | | | | | |
| 11. | Диалектика ва билиш назарияси | 4 | 4 | | | | | | | | | | | | | |
| 12. | Ватан тарихи | 2 | 2 | | | | | | | | | | | | | |
| 13. | Археология | 2 | 2 | | | | | | | | | | | | | |
| 14. | Социология назарияси, методологияси ва тарихи | 4 | 3 | | 1 | | | | | | | | | | | |
| 15. | Аҳолишунослик ва меҳнат иқтисодиёти | 13 | 11 | | | 2 | | | | | | | | | | |
| 16. | Менежмент (соҳалар бўйича) | 13 | 13 | | | | | | | | | | | | | |
| 17. | Зоология | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | |
| 18. | Ботаника | 3 | 2 | | | | 1 | | | | | | | | | |
| 19. | Одам ва ҳайвонлар физиологияси | 2 | 2 | | | | | | | | | | | | | |
| 20. | Биотехнология | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | | |
| 21. | Назарий физика | 5 | 4 | 1 | | | | | | | | | | | | |
| 22. | Лазер физикаси | 2 | 2 | | | | | | | | | | | | | |
| 23. | Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | |
| 24. | Иссиқлик ва молекулалар физикаси | 2 | 2 | | | | | | | | | | | | | |
| 25. | Магнит ҳодисалари физикаси | 2 | 1 | | | | | 1 | | | | | | | | |
| 26. | Назарий механика | 2 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | |
| 27. | Ноорганик кимё | 2 | 1 | | | 1 | | | | | | | | | | |
| 28. | Аналитик кимё | 4 | 3 | | 1 | | | | | | | | | | | |
| 29. | Органик кимё | 2 | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | |
| 30. | Физик география, ландшафтлар геофизикаси ва геокимёси | 7 | 5 | | | 2 | | | | | | | | | | |
| 31. | Математик таҳлил | 4 | 3 | | | 1 | | | | | | | | | | |
| 32. | Дифференциал тенгламалар | 4 | 4 | | | | | | | | | | | | | |
| 33. | Математик мантиқ, алгебра ва сонлар назарияси | 4 | 3 | | 1 | | | | | | | | | | | |
| 34. | Геометрия ва топология | 5 | 5 | | | | | | | | | | | | | |
| 35. | Амалий математика ва ахборот технологиялари | 3 | 3 | | | | | | | | | | | | | |
| 36. | Математик физика | 2 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | |
| 37. | Ҳисоблаш математикаси | 2 | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | |
| 38. | Оптималлаштириш ва оптимал бошқариш | 3 | 2 | | | 1 | | | | | | | | | | |
| 39. | Қаттиқ жисмли электроника, микроэлектроника | 2 | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | |
| 40. | Физикавий электроника | 2 | 2 | | | | | | | | | | | | | |
| 41. | КХ фанларини ўқитиш методикаси (электроника ва микроэлектроника) | 2 | 1 | | | | | | | 1 | | | | | | |
| 42. | КХ фанларини ўқитиш методикаси (информатика ва ахборот технологияси) | 5 | 4 | | | 1 | | | | | | | | | | |
| | **ЖАМИ:** | **135** | **111** | **4** | **7** | **9** | **1** | **1** | **0** | **1** | **0** | **0** | **0** | **0** | **0** | **1** |

6998/457

Нуқтаи назар

— Чиққанлар, билет оливолинглар, проездной, удостоверениеларни кўрсатинглар. Қани, амаки, сизда нима?..

— Ҳе-е, мунча шошасан, ҳозир чиқдим-ку, нафасимни ростлаб олай, бераман ўша пулингни. Тавба, аридай ёпишади-я.

— Жаҳл қилманг, ишимиз шу бўлгандан кейин...

— Тўғри-да,— деди амакининг ёнида турган киши, — жаҳл қилиб нима қиласиз. Уларнинг касби шу-да.

— Э-э, шуям касбми?..

# КОНДУКТОРЛИК КАСБМИ ЁКИ ?..

Эрталаб тиқилинч трамвайда ана шу воқеани кузатиб туриб ўйлаб қолдим. Ҳақиқатан ҳам, кондукторлик касбми ёки...

Тушишимга ҳали анча борлиги сабабли кондукторнинг ишини кузата бошладим. У юқоридаги сўзларни қайтараверишдан чарчамайди. Албатта, бу йўловчиларнинг ғашига теккандай бўлади. Айниқса, тиқилинч пайтида унинг у ёқдан бу ёққа юриши ҳаммани янада асабийлаштиради. Шунинг учунми ёки баъзиларнинг кондукторга паст назар билан қарашиданми, ҳар замонда йўловчиларнинг норози оҳангда минғиллашлари эшитилиб қолади. Кондуктор эса сабр билан уларга эътибор бермасликка ҳаракат қилади. Аёлни кузатиб турганларнинг кўпчилигида унга нисбатан қандайдир, илиқлик пайдо бўлган бўлса, ажабмас. Лекин ҳамма кондукторлар ҳам бир хилми? Ана шу саволга жавоб излаб, трамвайдан тушдим-да, автобус бекатига ўтдим. Ҳозир пойтахтимизда йўловчилар бажонидил чиқадиган йўловчи транспорти автобус бўлса керак. Чунки уларнинг аксарияти замонавий, қулай, шовқинсиз ва тезюрар "Мерседес"лар. Лекин эрталаб барча йўловчи транспортлари тирбанд бўлади. Мен турган бекатга келиб тўхтаган 69-йўналишдаги "Мерседес" ҳам бундан мустасно эмас.

— Тез-тез чиқинглар, қани ўртага ўтиб олинглар! Эй, ока, ўртаси бўш-ку, ўтинг! — деб қичқиради буйруқ оҳангда ўттиз ёшлардаги кондуктор йигит. — Давай, билетга узатинглар. Ҳо-ов, амаки сизда нима? Яхшилаб кўрсатинг документингизни... Кеннойи, сизда-чи?.. — Унинг йўловчиларга ким, қаердан жой эгаллаши бўйича "кўрсатма" бериб туриши "Мен автобус бошлиғиман", дегандек туюлди. Кейинги бекатдан автобусга ёш бола чиқди. Мактабга кетаяпти, шекилли, орқасига "папка" ҳам осиб олган.

— Пулинг борми ўзи? Агар бўлмаса туш! — деди "автобус бошлиғи" тергагандек. Болакай жим ерга қаради.

— Сендан сўраяпман. Йўл ҳақини тўлайсанми? ... Бўлмаса, туш.

Кондуктор болани туртиб-жеркиб тушириб юборди. Ҳамма жим. Кимдир "Пули бўлмаса ҳам кетаверсин эди. Барибир автобус ўша ёққа кетаяпти-ку", деди. Уни бир қари аёл маъқуллади:

— Ёш бола экан, нима қиласан тушириб юбориб, уни елкангда олиб кетмайсан-ку.

— Э-э, хола, индамай кетавермайсизми. Нима қиласиз гапга аралашиб. Мен "план"ни тўлдиришим керак, буёғи билан ишим йўқ. Пули бўлмаса "пешком" юрсин.

Автобусдан тушиб мен ҳам шу ҳақда ўйладим. Тўғри, мактаб ўқувчилари учун имтиёзли ойлик чипталари мавжуд. Улар бирмунча арзон. Лекин масалага бошқа томондан ёндошилса-чи? Ёшлар — бизнинг келажагимиз деймиз. Уларнинг баркамол вояга етиши учун шароит яратиб бериш бизнинг вазифамиз. Кўпчилик болалар мактабга боришдан ташқари ҳар хил спорт тўгаракларига қатнашиши учун йўловчи транспортидан фойдаланади. Лекин ҳамма ота-онанинг ҳам фарзандларига ойлик чипта олиб беришга имконияти йўқ, баъзилари бунга бепарво. Кондуктор эса уни транспортдан тушириб юборса... Майли, масаланинг моддий томонини қўйиб турайлик. Аммо кондукторнинг қўполлиги ёш бола қалбига қандай таъсир қилади? Кўпчилик олдида уни изза қилиш, автобусга чиқармаслик, яна ҳақоратомуз гаплар айтиш. Ишончим комилки, шу куни бола юрагида норозилик туғилди. Биз, катталар ёшларга доим ўрнак бўлмоғимиз лозим.

Шу ерда яна бир фикр пайдо бўлди. Бошланғич синф ўқувчиларини йўлкира ҳақидан озод қилиш йўлларини ўйласак бўларди.

Ўйларимни бекатга келиб тўхтаган 9-троллейбус бузди. Унга чиққанимдаёқ кондукторнинг кимгадир бақираётганини эшитдим.

— Сен нимага менга "фалшивка"ни кўрсатаяпсан? Қани, туш, сени керакли жойга олиб бораман.

— Мен уни метронинг олдидан сотиб олдим. "Фалшивка"лигини қаёқдан билай...

— Биласан, жуда яхши биласан. Мана шу "картон"ни ярим пулига сотиб олгансан, тўғрими?

У гапини тугатгунча "фалшивка"ли йўловчи бир силтаниб пастга отилди. Кондуктор сўкинганича бошқалардан йўл ҳақи ола бошлади. Эътибор берган бўлсангиз, баъзи кондукторлар ойлик чиптаси борларга ёвқараш қилади. Гўё "проездной"лари борлар айбдордек. Ахир улар чипта пулини бир ой олдин бериб қўйган бўлса, бунинг нимаси ёмон?! Шу чипталарни сотган "Тошшаҳарйўловчитранс" ташкилоти маблағдан янаям самарали фойдаланиши мумкин-ку?

— Болам, метрога етмасдан тушиб қолсам бўладими? Инвалидман, у ёқдан яна қайтиш...

— Сиздаям проездноймі? Унда остановкада тушасиз. Пул тўласангиз, тушириб кетардик.

— Болам, илтимос...

— Сизга айтдим-ку, остановкада тушасиз деб...

Троллейбус метрога яқинлашганида "шиғ" этди-да тўхтади. Унинг "шохи" чиқиб кетибди. Уни тўғрилаш учун ҳайдовчи олдидаги эшикни очиб тушди. Қария аёл ҳам пайтдан фойдаланиб унинг ортидан кетди. Мен ҳам кутишга тоқат қилмай пастга тушиб бекат томон йўл олдим.

Ўша куни 24-йўналиш бўйича қатнайдиган автобусда ҳам бир қизиқ манзаранинг гувоҳи бўлдим. Бекатлардан бирида кондуктор ўн саккизларга кирган боланинг ёқасидан ушлаб калла қўйди. Бола қон оқаётган бурнини ушлаганча қотиб қолди. Кондуктор бир сакраб чиқиши билан автобус жойидан жилди. Тобора узоқлашаётган автобусдан бурнини ушлаганча бекатдан нари кетаётган болага қараб раҳмим келди. Бир амаллаб кондукторнинг ёнига бориб:

— Нега болани урдингиз? — дедим.

— Ҳужжатингни кўрсат десам, боя кўрсатдим-ку, деб кўрсатмади.

— Шунга уни уриш керакми?

— Ўзи биринчи бошлади-да!

Во, ажаб. Наҳот, ҳужжат кўрсатмаганингиз учун кондуктордан таёқ есангиз...

Ҳафсалам пир бўлиб кўчанинг нариги томонига ўтдим ва бекатдан энди юрмоқчи бўлган "ЛАЗ" автобусга чиқдим. Автобуснинг эскилиги, тиқилинчлиги майли, аммо кондукторнинг кийган кийимига қараб бўлмайди. Бу ҳам камлик қилгандек, юзи ҳам шишиб кетган, сочлар тўзиган. Ундан "таралаётган" ачимсиқ ҳидига чидаб бўлмайди.

Ўйланиб қоласан киши. Кондукторлар кўпчилик билан ишлайди. Улар ҳар куни минглаб кишилар билан мулоқотда бўлади. Бундан ташқари, кондукторнинг қўлидан кунига минглаб сўм пул ўтади. Наҳотки, шундай масъулиятли ишга юқоридаги каби одамларни жалб этиш мумкин. Кондукторнинг қадрқимматини унинг муомаласи, атрофдаги одамлар билан мулоқоти белгилайди-ку.

181-автобусга чиққанимда ёш бола йўл ҳақи йиғиб юрган экан.

Кун бўйи яна бир неча транспортга чиқдим. Турли тарбиядаги, турли ёшдаги кондукторларни учратдим. Уларнинг ичида маданиятли, камсуқумлари ҳам талайгина. Лекин афсуски, юқорида келтирилган мисоллардаги кабилари ҳам йўқ эмас. Мен уларнинг фаолиятини ўрганиб, "Кондукторлик касбми?" деган саволга "Ҳа, кондукторлик касб, касб бўлгандаям машаққатли касб", деб жавоб берардим. Саҳар соат бешдан то кечаси соат ўн биргача ишлаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Унинг устига транспорт ичида бошидан охиригача бориб келаверишни километрлаб ўлчаш мумкин. Тан олиш керак, йўловчиларнинг барчасини ҳам одобли деб бўлмайди.

Дарҳақиқат, кондукторлар ҳам шифокорлар, ўқитувчилар каби халқ хизматида. Халққа хизмат қилиш — шарафли иш. Шундай экан, соҳада фаолият юритмоқчи бўлганларни танлашда алоҳида диққат зарур. Танланганлари учун махсус тайёргарлик ёки ўқув курслари уюштирилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Кўкрагига бирка тикилган махсус кийимда жилмайиб турган хушмуомала кондуктор кимнинг кўзини қувонтирмайди дейсиз?!.

**Салим ДОНИЁРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# «Урушга қарши Тинчлик Нотаси»

*24-март куни "Бунёдкор" ёшлар марказида "Урушга қарши Тинчлик Нотаси" кўргазмаси очилади. Кўргазмадан Карэн Агамян (фотомухбир) ва Ойимхон Бобожонова (радиожурналист)ларнинг Афғонистонга қилган сафари натижалари асосида жамланган фото ҳамда видеоматериаллар намойиш қилинади.*





Сорос жамғармаси кўмагида ташкил этилган К. Агамяннинг муаллифлик лойиҳасида ўн йиллаб давом этган урушдан азият чеккан мамлакатнинг тикланиш жараёни акс эттирилган. Кўргазмадаги фото ва видеоҳужжатлар жафокаш афғон халқининг қашшоқлик, очликда ҳаёт кечиришига қарамай, бор кучларини мамлакатни тиклашга сарфлаётганликлари ҳақида ҳикоя қилади:

Бир ҳафта давом этган сафар давомида журналистлар Мозори Шариф атрофлари, "Қалаи Жанги" қалъаси, Балх вилояти университети ва бир неча мактаб билан танишишди. Шунингдек, улар ногиронлар учун протезлар ишлаб чиқарувчи ортопедия заводи, Қизил Хоч Халқаро ташкилотининг шифохонасини кўришди ва Кобулда бўлишди.

Мозори Шариф телевидениеси орқали мактаб ўқувчилари ўртасида тасвирий санъат бўйича кўрик-танлов эълон қилинди. У ёш қатнашчиларда жуда катта қизиқиш уйғотди ва бир ҳафта ичида телестудия ёш рассомларнинг мамлакатнинг бугуни ва келажагига бағишлаб чизган расмлари билан тўлиб кетди.

Пойтахтимизда ўтказиладиган "Урушга қарши Тинчлик Нотаси" кўргазмаси тинчлик учун овоз беради. Унда журналистларнинг фото, видеоматериаллари, ёш рассомларнинг асарлари намойиш этилиши билан бирга Аҳмад Зоир ва бошқалар ижросидаги энг севимли афғон қўшиқ-куйлари янграйди. Кўргазмадан халқ оммавий санъати буюмлари ҳам жой олади.

**Д. САЛИМОВ**

Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади

## Жиноят устида ушланди

Самарқанд шаҳридаги Навоий шоҳкўчасидан Ў. Ахтамовга тегишли бўлган "Москвич-412" русумли автомашинани олиб қочган кимсалар манзилга етиб боришолмади. Чунки улар ярим йўлда қўлга олинди. Ҳозир ҳеч қаерда ишламайдиган Ж. ва Р.лар устидан тергов олиб борилмоқда.

## Ўзингдан чиққан балога...



Қашқадарё вилоятининг Косон туманида яшовчи Х.Турсунқулов ўз уйида отиб ўлдирилиб сўнг ёқиб юборилгани ҳақидаги маълумот милиция ходимларини оёққа турғазди.

Олиб борилган тезкор қидирув ишлари натижасида айбдорлар аниқланиб, қўлга олинди. Улар марҳумнинг жияни, хотини ва қизи экан. Жиян тоғага қарата ўқ узган ва жасад Х.Турсунқуловнинг турмуш ўртоғи ҳамда қизи томонидан ёқиб юборилган бўлиб чиқди...

## Ўғрини ток урди

Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов туманида яшовчи 53 ёшли М.исмли фуқаро Қорасарой кўчасида жойлашган корхона ҳудудидаги кўтарма кран устига чиқиб, унга уланган юқори қувватли электр симини ўғирлаш мақсадида кеса бошлади. Бироқ у ток уриши натижасида режасини охирига етказа олмай воқеа жойида вафот этди.

**Исмоил МИНАВВАРОВ,**
**ИИВ матбуот маркази ходими, милиция майори.**


O'zbekiston Aktsiyadorlik Tijorat Sanoat Qurilish Banki
«O'zsanoatqurilishbank»

Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат қурилиш банки

**«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»**

**Ўзбекистон Республикасидаги кичик ва ўрта корхоналарни молиялаштиришни (хорижий валютада) мақсад қилган Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан «Ўзсаноатқурилишбанк» ўртасида 1999 йил 1 декабрда икки томонлама шартнома имзоланди.**

**ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ БЎЙИЧА «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»ДА ЕТТБ КРЕДИТ ЛИНИЯСИ ЎРНАТГАН АСОСИЙ МЕЗОН ВА ТАЛАБЛАР**

1. Давлат улуши 25%дан кам бўлмаган кичик ва ўрта бизнес корхоналари, шу жумладан, акциядорлик жамиятлари ва қўшма корхоналар қарз олувчи сифатида иштирок этиши мумкин.
2. Кредит янги лойиҳаларни инвестицион молиялаш, модернизациялаш ёки мавжуд корхонани кенгайтиришга ишлатилиши мумкин.
3. Қарз олувчининг лойиҳадаги улуши лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган машина ва жиҳозлар, ўз биноси ва имората, айланма капитали, шунингдек, инвестициялаш давридан аввалги харажатларни қоплаш учун молиявий маблағлар шаклидаги мулкдан иборат бўлиб, лойиҳа қийматининг 25%дан кам бўлмаган миқдорини ташкил этиши лозим.
4. Лойиҳа импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ёки экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиши ва экология меъёрларига жавоб бериши керак.
5. Кредитнинг энг кам суммаси 40000 АҚШ долларини, энг кўпсуммаси эса 1 000 000 АҚШ долларини ташкил қилади.
6. Кредит муддати 2 йилдан ошмаган имтиёзли муддатни ҳам ҳисобга олганда 7 йилгача.
7. Процент ставкаси — LIBOR+банк маржаси.
8. Бир маротабалик комиссия кредит суммасининг 1% миқдорида.
9. Кредит шартномаси тузилганидан сўнг кредитор кредитни тўла ишлатгунга қадар 0,5% миқдорида йиллик мажбурият тўловларини эркин айирбошланадиган валютада тўланиши керак.
10. Кредит бўйича таъминот, яъни ликвидли мол-мулк гарови суммаси кредит суммасининг 120%дан кам бўлмаслиги керак.
11. Даврий тўлов — имтиёзли даврнинг тугаши билан ҳар чоракда бир мартадан кам бўлмаган тарзда.
12. Нотариусда шартномаларни рўйхатга олиш харажатлари (0,15% ипотека шартномаси асосида кўчмас мулк учун) ва кўчмас мулкни давлат кадастрида рўйхатга олиш, «Гаров тўғрисида»ги қонунга мувофиқ.



*«Ҳамкорбанк» акциядорлари диққатига!*

**«ҲАМКОРБАНК»** АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ

**акциядорларининг навбатдаги умумий йиллик ҳисобот йиғилиши 2003 йил 19 апрель куни соат 10.00да банк биносида ўтказилади.**

**КУН ТАРТИБИ:**

1. «Ҳамкорбанк» акциядорлик-тижорат банкининг 2002 йил фаолияти якунлари ва 2003 йилда банк фаолиятини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида.
2. «Ҳамкорбанк» акциядорлик-тижорат банки тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Банкнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий ҳисоботи бухгалтерия баланси, даромадлар ва харажатлар ҳисоботини тасдиқлаш ҳамда банк фойдасини тақсимлаш.
4. «Ҳамкорбанк» АТБ кенгаши таркибидаги ўзгаришларни тасдиқлаш.
5. Банк низомига ўзгартиришлар киритиш ва устав капиталини ўстириш тўғрисида.
6. 2003 йил учун банкнинг ташқи аудиторини тасдиқлаш тўғрисида.
7. Бошқа масалалар.

***Йиғилиш қатнашчилари 19 апрель куни соат 8.00дан 10.00гача рўйхатга олинади.***

**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 24-75-31, 24-70-39.**

**Манзил: Андижон шаҳри, Бобур шоҳкўчаси, 85-уй.**

***«Ҳамкорбанк» АТБ кенгаши.***


## Самарқандда гулзорлар танлови

***Март-август ойларида гулзорлар яратиш бўйича вилоят кўрик-танловини ўтказишга қарор қилинди.***

***Ушбу танловда, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча жамоалар, ўқув юртлари, ташкилот ва муассасалар, маҳалла ва қишлоқлар иштирок этиши мумкин.***

***Танлов шартида гулзорнинг жойлашиш ўрни, ҳажми, гул нави, ниҳолларни парвариш қилиш усули алоҳида ҳисобга олинади. Танлов ғолиблари август ойи охирида аниқланади ва Мустақиллик байрами тантаналарида уларга мукофотлар топширилади.***

**Абдурасул САТТОРОВ.**

Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот Давлат институти жамоаси Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасининг раиси Эргашали Қурбоновга отаси
**Қурбон ота ДАМИНОВ**нинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси «Маркетинг хизмати» бўлими бошлиғи, «Химмотология» кафедраси доценти Абдутолиб Собиржоновга волидаси
**НАСИБАХОН ая**нинг
вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси институт Санъатшунослик факультети, Тасвирий санъат тарихи ва назарияси кафедраси доценти, санъатшунослик доктори Камола Ақиловага падари бузруквори
**Болтабой АҚИЛОВ**нинг
оламдан ўтганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилоят кўз микрохирургияси маркази жамоаси Тошкент Давлат тиббиёт институтининг кўз касалликлари кафедраси мудири Алишер Худойбердиевга падари бузруквори
**Раҳим ХУДОЙБЕРДИЕВ**нинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзпаррандасаноат» уюшмаси раҳбарияти ва меҳнат жамоаси уюшманинг Ветеринария бошқармаси бошлиғи А. Содиқовга онаси
**ИНОБАТ ая**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети жамоаси университетнинг «Халқаро бизнес» кафедраси мудири Расулжон Турсуновга волидаи муҳтарамаси
**ҲАМИДА ая**нинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.


«Халқ сўзи»
«Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши
ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
П. ДЮГАЙ,
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. КУЧЕРЕНКО,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Г. ПРОХОРЕНКО,
Ш. РИЗАЕВ,
А. САИДОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
М. САФАРОВ,
И. ЎТБОСАРОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
А. ҲАЙДАРОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 133-52-55;*
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 253,
34889 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи — Саид АНВАР.
Мусаҳҳиҳ — М. СУЛАЙМОНОВА.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21. 00.*
1 2 3 4 5 6